Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 9 (21. 128) 1992 йил 11 январь, шанба

Баҳоси 35 тийин.

АВВАЛ ИҚТИСОД

Жумҳуриятда биринчи

Жума шаҳридаги вилоят механика устахонасида жумҳуриятда биринчи бўлиб Японияда ишлаб чиқарилган «Тойота» марка-ли автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш маркази очилди.

Илгари бундай машиналар эгалари таъмирлаш ёки эҳтиёт қисмини алмаштириш учун Россия шаҳарларига қатнашга мажбур бўлишарди. Эндиликда устахона ишчилари бу борадаги барча хизматларни ўз зиммаларига олишмоқда.

Ҳозир «Автосервис» деб номланган ушбу марказда енгил автомашиналардан ташқари автокранлар ва экскаваторлар ҳам сифатли ремонтдан чиқариляпти. М. Измерлиев, Ш. Назаров, Д. Алимов сингари усталар мижозлар буюртмаларини тезда бажариб, «Тойота» автомашиналарига иккинчи умр бағишлашмоқда.

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти.

Харидоргир маҳсулотлар

Ғиждувон районидаги тайёрлов ва ширкат савдо бирлашмасига қарашли консерва цехи жамоаси ишни икки сменада ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтирмоқда.

Цехда олма, беҳи, помидор, бақлажон сингари ўндан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишланмоқда.

Консервачилар тайёрлаётган турли хил шарбатлар, томат пасталари, аччиқ-чучук, салат маҳсулотларини истеъмолчилар севиб харид қилишяпти. Цех ишчилари ўтган даврда мобайнида 201,4 минг шартли банка сифатли консерва ишлаб чиқаришди.

Ҳозир кунига кичик корхонадан 1200 шартли банка консерва маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатиляпти. Қайта ишловчилар тез орада янги қувватларни фойдаланишга туширишга, цех имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутишмоқда.

Т. МАҚСУДОВ,
Бухоро вилояти.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТИКЛАНМОҚДА

● Фермер Холқўзи Дадақўзиев Андижон вилояти Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхози олдидаги ўзининг сут соғиб олиш ва сотишга доир шартномавий мажбуриятларини икки баравар ошириб бажарди. У 24 тонна ўрнига 50 тонна серқаймоқ сут топширди.

Колхоз билан шартнома ўн йилга тузилган. Ҳозир фермада 90 та соғин сигир бор. Ҳаммаси зотдор. Олтой ўлкасига сабзавот ва мева олиб бориб пулига зотдор моллар келтирилган.

Фермер олтойликлар билан сўқимга боқиш учун новвосларни, шунингдек ғунажинларни сотиб олиш тўғрисида келишиб қўйган. Хуллас шу йил баҳордан бошлаб у мол гўшти сота бошлайди. Ишлаб топилган пулга Холқўзи ўз фермасини янгилашга аҳд қилди. У колхоздан паррандачилик фермасининг эски биносини сотиб олган эди. Шу бинони янгилаб, ёнига чорвадорлар учун иккита уй, дам олиш хонаси қурмоқчи, боғ ва токзор қилмоқчи.

К. НИЗОМОВ, ЎзТАГ мухбири.

Суратда: учрашув пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОНГА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИҚТИСОДЧИЛАР КЕРАК

10 январь куни Тошкентда Халқлар дўстлиги ордени-ли Тошкент давлат иқтисод дорилфунуни билан Тошкент молия институтининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. У икки йирик олий ўқув юртининг профессор ва муаллимларини, талабаларини юбилей билан табриклаб, мустақил республикани-нинг ёш иқтисодчилари олдида турган катта ва муҳим вазифаларга тўхталди.

Республикамизда кейинги вақтда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан рўй берган ўзгаришлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг раиси Б. А. Алламуродов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ИЧКИ ҚЎШИНЛАРИ ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳақида 1991 йил 21 декабрдаги Шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қўшилмалари, алоҳида қисмлари ва бўлинмалари Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига олинсин ва республика Ички ишлар вазирлиги қарамоғига ўтказилсин. Улар негизида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари қўшилмаси ташкил этилсин.

Республика ҳудудида жойлашган ички қўшинларга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири зиммасига юклатилсин.

2. Ички ишлар вазирлигининг Тошкентдаги олий мактаби ва СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг Тошкентдаги олий ҳарбий-техника билим юрти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қарамоғига ўтказилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (ўртоқ З. А. Алматов) СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари қўшилмалари, қисмлари ва алоҳида бўлинмаларини, ўқув юртларини 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатда барча шахсий таркиби, қуроллари, моддий-техникавий ва бошқа мулки билан қабул қилиб олсин.

Бир ой муддат ичида ички қўшинлар тузилмаси, Низоми, штатларига, унинг таркибига кирган ўқув юртларига оид таклифлар тайёрлансин ва Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати кўриб чиқиши учун тақдим этилсин.

4. СССР Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтадиган ҳарбий тузилмалари ва ўқув юртларининг командирлар таркиби Ўзбекистон Республикаси барча ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кафолатланишини назарда тутиб, шахсий таркиб ўзига юклатилган вазифаларни оғишмай бажаришини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт комитети Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таркиби ўзгарганлиги муносабати билан уни маблағ ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш масалаларини биргаликда кўриб чиқсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 январь.

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ НУЪМОНЖОН ШОКИРОВ ТАБРИГИДАН.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Сизни мустақил Ўзбекистон Президенти этиб сайланганлигингиз билан республика Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши самимий қутлайди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятингизга барор тилаймиз. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, шижоат, инсоний баркамоллик тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

И. А. Каримов жаноби олийлари!

Умумхалқ сайлови натижасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланганингиз билан самимий қутловимни қабул этгайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда демократиялашган ва бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳот амалга оширилишига чин кўнгилдан умид қиламан.

Сизга сиҳат-саломатлик ва янги муваффақиятлар тилайман!

Книти МИЯДЗАВА,
Япония Бош вазири.

●

Тошкент, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга

Чин кўнгилдан табриклайман, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлидаги демократик ислоҳотларни ўтказишда янги муваффақиятлар тилайман. Халқларимизнинг анъанавий дўстлиги ва ҳамкорлиги келгусида ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверишига қатъий ишонч билдираман. Президент жаноблари, Ўзбекистон халқига энг яхши тилакларимни етказгайсиз.

Ҳурмат билан Молдова Республикасининг Президенти Мирча СНЕГУР.

●

Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимини ижро эта бошлаганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз. Сизнинг Президент этиб сайланишингиз Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги қардошларча алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳар томонлама ҳамкорликка янги омил бахш этишига ишончим комил.

Сизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, муваффақият, қардош Ўзбекистон халқларига эсон-омонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан Украина Олий Кенгашининг Раиси И. ПЛЮЩ.

●

Бутун халқ томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти юксак лавозимига сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул этгайсиз. Қозоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар республикаларимиз халқларининг манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланаверади, деб умид қиламан. Қардош Ўзбекистон халқига равнақ тилаб энг яхши истаклар йўллайман.

Қозоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. АБДИЛДИН.

●

Азизим Ислом! Чуқур ҳурмат-эҳтиромимни сизга яна бир бор изҳор этишдек бахтиёр мавриддан фойдаланиб, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти лавозимига сайланганингиз билан қутлайман. Сизнинг ва бутун доно, довюрак халқингизнинг иқболи баланд бўлсин.

Сидқидилдан қардошлик саломи билан Борис ОЛЕЙНИК.

Тошкент, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Умумхалқ президент сайловидаги муносиб ғалабангиз билан чин қалбдан табриклайман. Қирғизистон халқи сизга чин дилдан ғалаба тилади, сизнинг ғалаба қилишингизга шубҳа ҳам қилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз чинакам дўстона ихши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг кафолати деб биламиз. Тарих ўз йўлини аллақачон танлаб олган, халқларимиз минглаб йиллар давомида ёнма-ён яшаб келмоқдалар, бинобарин чинакам қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Юксак ва масъулиятли лавозимда сизга муваффақият ва сиҳат-саломатлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан

М. ШЕРИМҚУЛОВ,
Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

●

«Сув қурилиши» концернининг кўп минг кишилик жамоаси, унинг бошқаруви ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланганлигингиз билан самимий қутлайман. Умумхалқ сайлови натижалари кўп миллатли республикангиз халқларининг сиз ўтказаётган иқтисодий, ижтимоий ва миллий сиёсатга ишончини тасдиқлади.

Сизни фаол сиёсий арбоб ва юқори малакали хўжалик раҳбари сифатида кўпдан биламиз, республика халқ хўжалигини ривожлантиришга ва республикалараро муносабатларни мустаҳкамлашга сиз катта ҳисса қўшдингиз. Мелиорация ва сув хўжалиги равнақида сизнинг манфаатдорлик билан иштирок этаётганлигингизни алоҳида таъкидлаймиз. Концернимиз ана шу ҳаётий муҳим тармоқни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам сиз билан биргаликда ишлашга тайёр.

Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон Республикаси Олий давлат лавозимидаги ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳурмат билан,
концерн бошқаруви раиси
ПУЛАТЗОДА.

13 ЯНВАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ХАЛҚ МАНФААТИ БИРИНЧИ НАВБАТДА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ҲАМДА ЭРКИН НАРХЛАРГА ЎТИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН БЎЛАДИГАН ИШЛАР БАҲАМЖИҲАТ КЕНГАШИБ, ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ ЎТИЛАДИ, ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕСИЛАДИ.

Ўзбекистонда купонларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар мажмуи ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган бошқа республикаларда нарх-наволарга эркин тус бериб юборилгани республика сиёсий ва иқтисодий ҳаётида белгиланган тадбирларни қайта тўлдиришни тақозо этди. Ана шу ишларга боғлиқ чора-тадбирларни тезкорлик билан кўриб чиқиш зарурлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ялпи мажлисини илгари хабар қилинганидек 16 январда эмас, балки 13 январь, душанба куни давом эттиришга қарор қилинди.

Кун тартибидаги бошқа энг муҳим масалалар қатори республика иқтисодиётини тубдан қайта қуриш масаласи ҳам кун тартибига қўйилмоқда. Вазифа уни изчиллик билан амалга ошириш-дир. Бу соҳада кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш учун республика ўзининг мустақил пул маблағларига эга бўлиши даркор. Маблағлар эса бундан кейин республиканинг ўз бюджетини шакллантириш эвазига олинади. Мен ана шу мавзуда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитасининг раиси **Э. Н. Хўжаев** билан суҳбатлашдим.

— Россия ва бошқа мамлакатларда эркин нархлар тартибининг киритилиши, нарх-навонинг ўсиши шунга олиб келяптики, — деди раис, — ҳозир биз бюджетимизнинг аниқ даромад ва буромад қисмини белгилай олмаймиз. 1992 йилда Ўзбекистон халқ хўжалиги ривожланишининг кўпгина ўзига хос жиҳатлари ҳали аниқ эмас. Ишлаб чиқариш ва миллий даромад ҳажми, баҳолар даражаси каби асосий кўрсаткичларни ҳам аниқ белгилашнинг имконияти бўлмаяпти. Чунки бу кўрсаткичлар республикалараро иқтисодий алоқалар, бошқа минтақаларда эркин белгиланадиган нархлар даражасига боғлиқ.

Ҳамсуҳбатим шунингдек бозор муносабатларига бевосита ўтиш даврида солиқ сиёсатини тубдан ўзгартиришга доир масалани ҳал этиш зарурлигини ҳам таъкидлади. Бу масала душанба куни иш бошлайдиган сессия мажлисида қараб чиқилишини айтди.

Чиндан ҳам ягона Иттифоқ ва унинг тузилмалари тугатилгани бу соҳада жиддий ўзгартишлар киритишни кун тартибига қўйди. Масалан, илгари энг кам миқдордаги иш ҳақи — 160 сўмгача бўлган даромаддан ҳеч қандай солиқ олинмас эди. Ўзбекистон Президентининг ҳўрсатмаси билан республика бўйича энг кам миқдордаги иш ҳақи 350 сўм қилиб белгиланди. Хўш, бундай ҳолда солиқ миқдори қандай тузилади? Сессия қайта кўриб чиқадиган қонун асосида бундан кейин 350 сўмгача миқдордаги даромад ҳисобидан солиқ ундирилмайди.

Сессия шунингдек, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунларга ҳам ўзгартишлар киритишни мўлжалламоқда. Сир эмас, илгари республикадаги кўп корхоналар Иттифоқ ихтиёрида эди. Энди уларнинг ҳаммаси республика тасарруфига ўтди. Шу муносабат билан ана шу корхоналардан олинадиган солиқлар масаласидаги чалкашликларни ечиш пайти келди. Шунингдек, Ўзбекистондан четга чиқарилаётган маҳсулотлар учун ҳам янги солиқлар жорий қилишни давр тақозо этмоқда. Буларнинг ҳаммаси ягона мақсадни — аҳолини иҳтимоий ҳимоя қилишни кўзлаб кун тартибига киритилмоқда.

Биз юқорида Россия, Қозоғистон ва бошқа қўшни республикаларда нарх-навонинг жилови бўшатиб юборилганлигини айтдик.

Ўзбекистон Президенти кенгаши ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ҳозир нисбатан арзон нархларда аҳолига сотилаётган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари четга ташиб кетилиши олдини олиш мақсадида талон тизимини сақлаб туришга қарор қилди, бутун республикада купон тизими жорий этилди. Янги тизим шу йилнинг 10 январидан бошлаб ишлай бошлади. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ҳам ўз навбатида нарх-наво сиёсатини ойлик маош билан чамбарчас боғлаб қўйишга, яқин кунларда ўртача ойлик маошни 1000 сўмга етказиш масаласини ўртага қўйди.

Қисқача айтганда бозор иқтисодиёти одамларни эзиб қўймаслиги учун республика миқёсида жуда кўп таъсирчан ва самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўйлаймизки, халқ нойиблари ҳам бу масалага ўзларини Олий Кенгашга вакил қилиб сайлаган республика аҳолиси манфаатларидан келиб чиқиб ёндошадилар. Шундай қилиш керакки, эл ҳам азият чекмасин, давлатнинг ҳам иши битиб кетсин. Бошқача айтганда, сиҳ ҳам, кабоб ҳам куймасин. Бу қийинчиликлар вақтинчалик эканлигини билиб турибмиз, олдинда бизни, иншоолло, ойдин кунлар кутиб турибди.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

Сессия тугади

Собиқ Қорақалпоғистон Мухтор Социалистик Республикаси энди Қорақалпоғистон Республикаси деб аталадиган бўлди. Олий Кенгашининг Нукусда ўз ишини тугаллаган сессиясида шундай қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, депутатлар «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Хорижий сармоялар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари ҳақида», «Корхоналар тўғрисида», «Ишбилармонлик ҳақида», «Алоҳида иқтисодий зоналар тўғрисида», «Концепция ҳақида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Кооперация ҳақида», «Ижара тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида», «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги Қонунларни ҳам қабул қилдилар.

Республика Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Президент лавозимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди — бу масала, шунингдек, Давлат рамзи ҳақидаги масала ҳам навбатдаги сессияда ҳал этилади.

(ЎзТАГ).

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ДЎСТЛАРИ

Мана, бугун янги йил дастлабки ойининг биринчи ўн кунлигига ҳам якун ясалади. Темирни қизиғида босиб, 1992 йил учун «Ўзбекистон овози»га ўз вақтида обуна бўлганлар рўзномани мунтазам равишда олмоқдалар. Бироқ баъзи сабабларга кўра, рўзнома ва жаридаларга ёзилолмай қолганларга ҳали имконият бор. **Обуна йил бўйи давом этади.** Аммо, бунда, азизлар, бир нарсани — яъни, **ҳужжатларни расмийлаштириш муддатини ҳисобга олиш лозим.** Масалан, ҳозир февралдан эмас, балки март ойидан бошлаб йил охиригача бўлган муддатга обуна қабул қилинади.

Бозор муносабатларига ўтиш сабабидан қоғознинг нархи кескин кўтарилди. Босмахона ва вақтли матбуотни тарқатиш хизмати баҳолари ошди. Шу туфайли рўзномамизга бундан буён **бир йиллик обуна баҳоси 51 сўм 36 тийин** қилиб белгиланди.

Биринчи мартдан йил охиригача, яъни ўн ой учун 42 сўм 80 тийин, бир ойга эса 4 сўм 28 тийин тўласангиз кифоя.

Бу қонда 1992 йилга ёки йилнинг бир бўлагига (1 ой, 3 ой, ярим йиллик) ўтган йили обуна бўлганларга тааллуқли эмас. Улар рўзномамизни эски нархда олаверадилар.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: 1992 йил 1 январдан бошлаб рўзномамизнинг бир сони чакана савдода 35 тийиндан сотилмоқда. Афсуски, қоғоз ниҳоятда камёб бўлганлиги учун «Ўзбекистон овози» чакана савдога жуда кам миқдорда, бор-йўғи 17 минг нусхада чиқмоқда. Табиийки, бу жумҳуриятимиз учун, унинг ташқарисидаги муҳлисларимиз учун ниҳоятда камдир. Маслаҳатимиз шуки, **алоқа бўлимларида, «Союзпечать» агентликларида, корхоналар ва ташкилотларда обуна бўлганингиз маъқул.**

«Ўзбекистон овози»нинг қадрли дўстлари, азиз ва муҳтарам муштарийлар! Сизни ўз фикр-мулоҳазаларингиз таклиф ва ўйларингиз, бор имкониятларингиз билан рўзноманн қўллаб-қувватлаб туришингизга ишонамиз!

• СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

САРҲИСОБ

Халқаро муносабатлар учун ўта тиғиз ва сермазмун 1991 йил ҳам мозийга айланди. Инсониятнинг кўп мингйиллик ҳаёт китобида янги саҳифа очилди. Бу саҳифада нималар битилади? Олдинги йилдан мерос бўлиб ўтган қандай омиллария биз авайлаб сақлаб, ривожлантиришимиз ва қайси бирларидан воз кечишимиз даркор? Тараққиётнинг кўп жиҳатдан чалкаш ва зиддиятларга тўла мураккаб жараёнидан яна нималарни кутиш мумкин?

Икки йил чегарасида беҳосдан пайдо бўлган шу каби саволларга қониқарли жавоб топиш учун ақалли кейинги ўн икки ой мобайнида бўлиб ўтган энг муҳим воқеалар, қилинган ишлар ва пайдо бўлган муаммоларни таҳлил этиш, ҳаётнинг асосий тамойилларини аниқлаш талаб этилади.

Умуман олганда 1991 йил сайёрамиз аҳли учун ёмон йил бўлмади. Унинг бошларидаёқ фақат Форс кўрфази минтақасигагина эмас, балки бутун дунёга эндигина шакллана бошланган янги халқаро тартибга жиддий хавф туғдирган Ироқнинг қўшни Қувайтга қарши тажовузига чек қўйишга эришилди.

Саддам Ҳусайн бошлиқ Бағдод ҳукумати жаҳон ҳамжамияти, кенг жамоатчиликнинг ўт билан ўйнашмаслик, низоли масалаларни ҳал этишда зўравонлик усулларидан воз кечиш, яхшилик билан тажовузни тезроқ тўхтатиб, Қувайтнинг суверенитетини тиклашга даъватларини менсимай, ўзининг жиноятқорона сиёсатини давом эттиргандан кейин, ноилож, куч ишлатишга тўғри келди. АҚШ ва иттифоқчиларининг замонавий ҳарбий машинаси тиш-тирноғигача қуролланган Ироқни бир пасда тормор келтирди. Уруш ҳар ғалгидай тинч аҳолига энг катта зарар етказди.

Ушбу фожеанинг сабабу оқибатларини таҳлил қилган кишилар уни тезда бартараф этишнинг бош омили ҳарбий муҳит, электрон қуроллар, пухта ўйланган жанговор стратегия ва тактика эмас, балки машриқу мағрибнинг мухолифликдан ҳамкорликка ўтиши бўлганлигини якдиллик билан таъкидладилар. Совет Иттифоқи тажовузкорларга қарши қўшин юбормаган, ҳаттоки, сўнггги дамларгача можарони тинч йўл билан ҳал қилишга уринган бўлса-да, ўз иттифоқчисини қўллаб-қувватламади. Ҳукуматимиз Бағдоднинг босқинчилик сиёсатини қоралади. Қувайтни озод қилишни талаб этди, БМТ хавфсизлик Кенгашининг Ироқга нисбатан барча қарорларига қўшилди. Унга қурол-яроғ ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришни дарҳол тўхтатди. Ўз мутахассисларини олиб чиқиб кетди. Мабодо шунинг тескариси бўлиб, мамлакатимиз қурол-яроғлардан бутунлай воз кечиш ҳали эртадир, албатта.

Тажовузкорларни жиловлаш учун мудофаа воситалари бўлмоғи зарур. Аммо дунёдаги иккинчи энг қудратли давлат бўлмиш Совет Иттифоқи йўқ бўлиб кетган вазиятда кучайиб кетган Америка қурол-яроғлардан тўғри фойдаланармикан, деган масала ҳам чиқиб қолди. Кўпларни ташвишлантираётган бу саволмуаммо бекорга жаҳон жамоатчилигини ташвишлантираётгани йўқ. Ядровий қурол-яроғни тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномага барча давлатлар ҳам қўшилмаганлиги, ўнлаб мамлакатларда уни ишлаб чиқариш учун зарур имкониятлар пайдо бўлаётганлигини унутмаслигимиз керак. Буюк Британия, Франция ва Хитой эса, ядровий давлатлар бўла туриб, ушбу қуролларни қисқартириш ёки йўқ қилиб юбориш тўғрисидаги Совет—Америка шартномаларига қўшилишдан бош тортаяптилар. Ядровий қурол-яроғларга эга бўлган мамлакатларнинг сафлари собиқ совет жумҳуриятлари ҳисобидан кенгайиб кетсачи, унинг оқибатлари қанақа бўлади?

Ҳайриятки ҳудудларида ядровий қуроллар бўлган Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Украина раҳбарлари ядровий қурол-яроғни ҳаракатга келтиришнинг тугмачасини бир жойда, яъни президент Б. Н. Ельцин ихтиёрида бўлиши, ундан фақат бамаслаҳат фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида келишиб олдилар. Шу билан бир қаторда улар ядровий қурол-яроғларни қисқартириш ҳақидаги шартномани амалга ошириш ҳамда ушбу воситаларни тамомила йўқ қилиб ташлаш тарафдори эканликларини ҳам эълон қилдилар.

Қурол-яроғларнинг кўплиги ва уни қўлга киритишнинг енгиллиги кўп йилларидан бери давом этаётган маҳаллий низоларда ҳам билинмоқда. Ўтган йили бу соҳада ҳам бирмунча ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Камбожада миллий яраш сиёсати дастлабки самара берди — муҳолифчи кучларнинг қонли тўқнашуви тўхтатилди. Ярим асрга яқин давр ичида бутун дунёдаги сиёсий вазиятга ўта салбий таъсир кўрсатиб келаётган яқин Шарқ можаросини бартараф этиш мақсадида ниҳоят араблар билан Исроил ўртасидаги музокаралар бошланди. Афғон элидаги биродаркушлик урушини бартараф этиш учун биз мужоҳидларнинг вакиллари билан музокаралар бошладик. Америка билан келишиб, Нажибулло ҳукуматига қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатдик ва БМТнинг Афғонистонда тинчликни ўрнатишга мўлжалланган дастурини қўллаб-қувватламоқдамиз.

Афсуски маҳаллий низоларни бартараф этиш борасидаги саъйи-ҳаракатлар эндигина самара бераётган бир пайтда кейинги йилларда тинчликсевар ишлари билан машҳур бўлган Европа қитъасида яна бир можаро келиб чиқди. Мен Югославияни кўзда тутяпман. Миллатчи ва ажралувчи кучларнинг жонланиши натижасида юзага келган Югославия можароси тезда фожеага айланди. Эндиликда у серблар, хорватлар, словенларга жуда қимматга тушмоқда, қўшни мамлакат, бутун қитъа халқларини ташвишлантирмоқда.

Маҳаллий низолар тарихидан маълумки, уларнинг келиб чиқиши жуда осон, бартараф этиш эса ҳаддан ташқари қийин ишдир. Шунинг учун ҳам бу йил эски низоларни тугатиш билан чекланмасдан янгиларини келиб чиқишининг олдини олиш муҳимдир. Бу истак Тоғли Қорабоғ ва Жанубий Осетияга ўхшаган йирингланиб бораётган яралардан қутилаолмаётган собиқ Совет Иттифоқига ҳам таллуқлидир.

1991 йил тарихга қарийб 70 йил давомида дунёдаги буюк давлатлардан бири бўлиб келган СССРнинг парчаланиб кетиши, бир вақтлар турли йўллар билан унинг таркибига кириб қолган совет республикаларининг мустақил давлатларга айланиши билан ҳам киради. Мустақиллик шабадаси бизнинг кўкрагимизга ҳам тегди. 31 август куни парламентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат, деб эълон қилди. Йил охирида ўтказилган референдумда халқимизнинг мутлақ кўпчилиги ушбу қутлуғ қадамни маъқуллади ва И. А. Каримовни ҳур Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайлади.

Халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жумҳуриятимиз жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллай бошлади. И. А. Каримов бошчилигидаги делегациямизнинг тарихий ташрифи пайтида Туркия ҳукумати Ўзбекистон Республикасини биринчи бўлиб танигандан сўнг ўттиздан кўпроқ давлат бизни таниди. Уларнинг орасида АҚШ, Англия, Канада, Япония, Хитой, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Сауд Арабистони ва бошқа мамлакатлар бор.

Куни-кеча парламентимиз Ўзбекистоннинг БМТга кириши масаласини жаҳон ҳамжамияти олдига қўйишни республика Президентига топширди. Ўйлаймизки, 1992 йилда ушбу масала ижобий ҳал бўлади ва Ўзбекистон турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб киради.

Ўтган йили охирларида яна бир муҳим воқеа содир бўлди. — Мустақил давлатларнинг ҳамдўстлиги тузилди. Тўққизта собиқ совет республикаси қаторида Ўзбекистон ҳам ҳамдўстликнинг тенг ва эркин аъзоси бўлди. Жаҳонни ҳайратда қолдирган бу воқеалардан чиқариладиган хулосалардан бири кучга, зўрлик билан халқларни ушлаб туришга таянган ҳар қандай кўп миллатли давлат муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум эканлигининг исботидир. Иккинчи муҳим хулоса шуки, мустақилликка эришган давлатлар бирбировларига суянган тақдирдагина рўшноликка узилкесил чиқишлари, олдиларида турган муаммоларни бартараф этишлари мумкин экан. Жаҳон тажрибаси ҳам шу ҳақиқатни тақозо этмоқда.

Ўтган йили халқаро майдонда дастлабки мустақил қадамлар қўйган Ўзбекистон учун 1992 йил ташқи сиёсат соҳасида ҳам катта саъйи-ҳаракатлар, жўшқин фаолият ва сермаҳсул йил бўлишига ишончим комил.

С. ҚУРБОНОВ.

Эшитмадим деманглар

ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА

● Кечадан бошлаб Россия Федерацияси фуқаролари томонидан жумҳуриятдан ташқарига камёб халқ истеъмоли молларини ҳамда белгиланган нормадан ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларини жўнатиш борасидаги муайян чеклашлар кучга кирди.

● Украина НАТОга ёки бошқа биронта ҳарбий блокка кирмоқчи эмас. Украина Президенти Леонид Кравчук АҚШ конгресси вакиллар палатасининг қуролли кучлар бўйича комитети раиси Лэс Эспин билан учрашувда шу ҳақда гапирди.

Кравчук 1992 йил июлигача Украина ўз ҳудудидан барча стратегик ядро кучларини чиқаришни, 1994 йили охиригача эса барча ядро кучларини йўқ қилишни мўлжалламоқда, деган фикрни билдирди.

● Овоз беришда қатнашган 3,75 миллион фуқаронинг 99,58 фоизи Озарбайжон Олий Кенгаши қабул қилган «Озарбайжон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги ҳужжатни маъқуллади.

Марказий референдум комиссияси 1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтган умумхалқ овоз бериши якунларини чиқарганда шу нарса маълум бўлди.

● Молдовада «Парламент раиси ва Президентнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза этиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди.

Қабул қилинган ҳужжатда жумҳуриятнинг олий мансабдор шахсларини ошкора ҳақоратлаш ёки улар шаънига бўхтон ёғдириш 3 минг сўмгача жарима солиш билан шунингдек икки йилгача ахлоқ-тузатиш ишларига жалб этиш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

ФАВҚУЛОДДА СЕССИЯ ЧАҚИРИЛАДИ

● «Грузиянинг тақдирини парламентнинг фавқулодда сессияси ҳал этади», — деди республика Ҳарбий кенгаши раҳбарларидан бири Тенгиз Китовани. Маълумки, парламент фаолияти республикада Гамсахурдиа режими ағдариб ташланганидан сўнг тўхтатиб қўйилган эди.

Сессия кун тартибига ҳозирги парламентни тарқатиб юбориш ҳамда янги сайловлар ўтказиш асосий масала сифатида киритилади. Сессия бошланиши билан Ҳарбий кенгаш ўз ваколатидан воз кечади. Янги сайловлар ўтказилгунга қадар Грузияда бутун ҳокимият муваққат ҳукуматга берилади.

Грузиянинг ағдариб ташланган собиқ Президенти Звиад Гамсахурдиа ҳозир Арманистоннинг Иджеван яқинидаги пансионатда ўз яқинлари ҳамда шахсий соқчилари билан турибди.

Шу кунларда сиёсий шарҳловчилар Тбилисидаги воқеаларга турлича баҳо бермоқдалар. Тўғри, диктатор Гамсахурдиа билан унга оппозицияда бўлган кучлар ўртасидаги қарама-қаршиликда демократлар ғолиб чиқдилар. Лекин демократия ғалаба қозондими? Яхшими-ёмонми, З. Гамсахурдиа умумхалқ сайловида жуда кўпчилик овоз олиб республика Президенти бўлган эди. Уни куч билан қон тўкиш орқали лавозимидан четлаштиришни оқлаб бўладими? Муаммони тинч, демократик йўллар билан ҳал этиш мумкин эмасмиди? Масала ана шунда!

(ТАСС ва марказий рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

• ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕСИНГ

ЁЛҒОННИНГ МИСИ ЧИҚДИ

«Аргументы и факты» рўзномаси ўтган йили 46-сонида В. Романенконинг «Ҳаммаси ҳам нажотсиз эмас» мақоласи босилган эди. Унда гўё киевлик Т. В. Воробьева томонидан ишлаб чиқилган «Витурид» билан ракка чалинган беморлар даво топа-ётганлиги баён этилганди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон онкология ва рациология илмий текшириш институтининг бўлим раҳбари тиббиёт фанлари номзоди Турсунхўжа БОБОХЎЖАЕВ биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди.

— Минг афсуски, бу «янгилик»нинг умри қисқа экан. Бироқ В. Романенконинг мақоласи ёритилиши билан қанчадан-қанча бемор дардига «даво» топгандек бўлишиб, собиқ Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан Киев томон отланишди. Беморлардан ташқари қанчадан-қанча одамлар ҳам яқин бемор қариндошларига дори излаб келишди.

Аниқланишича, Воробьева унинг дориси ҳеч қандай клиник текширувдан ўтказилмаган, фармокология комиссиясидан рухсат ҳам олинмаган экан.

Украина Соғлиқни сақлаш вазирлиги Т. Воробьева иштирокида Киевдаги онкология ҳамда гемотология ва қон қуйиш илмий текшириш институтларида 24 беморда «Витурид»нинг таъсир кучини клиник жиҳатдан тажрибадан ўтказишди. Қон ракига чалинган 14 бемордан 8 нафарининг аҳволи жуда ёмонлашиб қолди. 6 беморда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Турли аъзоларда саратон касаллиги бор 10 беморга ҳам акс таъсир кўрсатиш оқибатида фойдали натижа олинмади. Мана чуқур ўйламай қилинган ҳаракатнинг оқибати.

Ваҳолонки жумҳуриятимизда саратон касаллигини даволаб юбораман деб юрган кишилар ҳам кўпайиб қолган. Инсон саломатлигини сақлаш, беморни даволаш нозик масала. Модомики шундай экан, бу борада етти ўйлаб бир кесмоқ керак.

Ҳа, Т. Бобохўжаев ҳақ гапни гапирдилар. Беморни даволаш учун ҳақиқий масъул кишиларгина қўл урмоқлари керак.

Суҳбатни Жумҳурият Саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими А. ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

• ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ •

ҲАР ТОНГ ШУНДАЙ БОШЛАНАР...

● ИНСОН ҲАЁТГА ҚАЙТДИ...
● ТАШҲИС МУОЛАЖА МЕЗОНИ.
● МУАММО ҚАЧОН ЕЧИЛАДИ?
● УМР ЗАРВАРАҒИГА БИР НАЗАР.

Куни кеча клиникага келтирилган бемор бошига шифокорлар тўпланишган. Бемор йигит зўрға нафас олар, ҳарорати дам кўтарилиб, дам тушади. Дастлабки тиббий муолажалар наф бермаяпти.

— Ташҳиси — «Бехтерова касаллиги!» — Профессор Роҳила Қорабоева бир касаллик варақасига, бир беморга тикилади. — Муолажани қайтадан бошланг. Аҳволидан хабардор қилиб туринг. — У шундай деб палатадан чиқди. Касаллик тарихи, кечиш жараёнини қайта-қайта хотирасидан ўтказди. Қайтадан қўшимча муолажани касаллик варақасига қайд этди. Ҳамшира врачларни тўплаб яна бир бор кўрсатмалар берди.

Шу куни профессорнинг иш кабинетида алламаҳалгача чироқ ўчмади...

— Туни билан бемор безовта бўлди. Аҳволи тобора оғирлашяпти. Дори-дармонлар кор қилмаяпти... — Навбатчи врачнинг кейинги гаплари унинг қулоғига кирмасди. «Нега? Беморга муолажа заррача наф бермаяпти? Демак, муолажа тўғри эмасми?» Профессорнинг ҳаёлида фақат шу фикр чарх урарди. Такрор-такрор муолажа, фикрлашув, муолажа такрорланаверди. Беморнинг аҳволи эса ўзгармас, ҳолдан тойиб борарди. Ҳатто айрим ҳамкасблари беморнинг ҳаётга қайтишига шубҳалана бошладилар.

— Зудлик билан консулиум қилиш керак! — қатъий фикр билдирди у навбатдаги шифокорлар йиғинида. — У албатта, яшаши керак!

Тиббиётчиларнинг навбатдаги иш куни яна ташвишли бошланди. Улар беморнинг аҳволидан тез-тез профессорни хабардор қилишар, не-не оғир касалларни оёққа турғазган тиббий жамоа бемор йигитни ҳаётга қайтаришга уринар, касаллик билан юзма-юз олишишарди.

Роҳила Афзаловна уйда ҳам, ишда ҳам бемор ҳақида, аниқроғи, шу касаллик ҳақида ўйлайдиган бўлди. Кечки овқатдан сўнг ҳам суҳбат шу дардга бориб тақаларди. Тиббиётчилар оиласи эмасми, худди ҳамкасбларидек «Бехтерова касаллиги» бўйича даволаш тўғри белгиланган-ку?» — бахсга чек қўйишарди улар.

— Ойи, эсингиздами, ҳали талабалик кезларимда шундай оғир хасталик тўғрисида гапирувдингиз, — деди қизи Гулмира. — «Бехтерова касаллиги» деб даволанган...

— Шошма қизим... — шартта ўрнидан турди у (одатда у бирор нарсадан қаттиқ таъсирланса шундай қиларди). — Ташхис... ташхис... — У хонада у ёқдан —бу ёққа юра бошлади.

— Ойижон, балки ҳалиги беморни яна бир бор... Онаси Гулмиранинг гапини бўлди:

— Соат неча бўлди?

— Вақт ҳам алламаҳал, ўн иккидан ошибди, — умр йўлдоши Малик ака дераза оша тун зулматига ишора қилди.

Профессор клиникага қўнғироқ қилиб, бемордан дарҳол анализ олишга кўрсатма берди.

— Қайта ташхисни аниқлаймиз! — деди у эрталабки йиғинда ҳамкасбларига. — Бу «Бехтерова касаллиги» эмас. Бунга аминман!

Таҳликали ўтган уч иш куни ана шундай якун топди.

Профессорнинг тахмини тўғри чиқди...

Бухоролик бемор Каримжон Шабанов ана шундай нотўғри ташхис қурбони бўлишига бир баҳия қолганди. Шамоллаш, вақтида шифокорга мурожаат этмаслик туфайли беморнинг марказий асаб тизимига номаълум микроблар тушган. Микроб марказий асаб тизимини зарарлаган: кўкрак қафаси, мускуллар заҳматланиб, гавда ҳаракатланиш қобилиятини йўқотганди. Бемор микробли полиневрит билан оғриган, ўпкада микробли полиневрит. Баъзан шифокорлар беморга ташхис қуйишда астма билан полиневрит касаллигини чалкаштиради.

— Оёққа турасиз, фақат бунинг учун Сизда ирода, тузалишга қатъий ишонч бўлиши керак! — таъкидларди у беморга.

Дарвоқе, Роҳила Қорабоева ҳақ. Бемор оёққа турди, фақат бошқа шифохонада. Лекин ҳамма вақт ҳам тиббиётчиларнинг меҳнати ана шундай эзгулик билан якунланавермайди.

1—Тошкент давлат тиббий олийгоҳи ички касалликлар кафедраси ревматология клиникаси айни вақтда республика ревматология маркази ҳам ҳисобланади. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Роҳила Қорабоева раҳбарлик қилаётган тиббий марказ клиникаси ревматология бўлими —90 ўринли, координология бўлими эса 50 нафар беморга хизмат қилади.

Республикамизнинг турли вилоятларидан, қўшни Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон республикаларидан марказга шифо истаб келаётганлар қанчадан-қанча. Юрак, бод, буғим, ички касалликлар, асаб хасталиклари ва бошқа дардга чалинган беморларга тиббий жамоа баҳоли қудрат хизмат қилади.

— Аввало тиббий олийгоҳимизнинг салкам минг нафар бемор даволанадиган клиникасида неврология бўлимининг йўқлигини ижобий ҳол дея олмайман, — дейди Роҳила Афзаловна қуйиниб. Ревматология марказида даволанадиган ҳар икки беморнинг бирига мутахассис—невропатологнинг маслаҳати шартлигини таъкидламоқчиман. Айниқса, инсулт, бош миянга қон қуюлиш, асаб, юрак хасталиклари невропатолог-врач кўрсатма-назоратини талаб қилади. Яқинда бемор Расуловга ана шундай консулиум чақиришга тўғри келди. Шундай ҳолатлар бўладики, бир лаҳзалик кечикиш бемор тақдирини ҳал қилади-қўяди. Шундай беморларни бошқа шифохоналарнинг неврология бўлимларига ўтказишга мажбур бўляпмиз.

Тиббий олийгоҳ клиникасида бундан бир неча йил илгари 40 ўринли неврология бўлими мавжуд эди. Ҳозир у физиотерапея бўлимига айлантирилди. Бу бўлим ҳам зарур. Лекин бундан неврология бўлимига эҳтиёж йўқ, деган хулосадан йироқ бўлиш керак.

— Роҳила Афзаловна, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан муаммолар кескинлашяпти. Тиббиётчиларнинг ижтимоий ҳимояланиши қандай?

— Агар ишни тадбиркорлик билан ташкил этсак, «бозор» бизга хавфли эмас. Ҳозир 100 минг сўмликдан ортиқ хўжалик шартномаси бўйича ишларни бажаришни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун марказ қошидаги поликлиника иш фаолиятини кенгайтириш зарур. Замонавий тиббий асбоб-ускуна, жумладан, ультра товуш аппарати ҳаводек зарур. Бир мисол. «Мароканда» кичик корхонаси ишчи-хизматчиларини ва Сирдарёдаги гуруч ишлаб чиқариш бирлашмасида бир гуруҳ мутахассисларимиз комплекс тиббий кўрик ўтказди. Ҳар 100 кишининг 60 дан ортиғига даволанишни маслаҳат бердик. Беморларга имкони борича клиникамизда шифо олишларга ҳаракат қилдик.

Бундай ишни кўрмасдан аввало инсон—бемор манфаатдор бўлса, қолаверса, илмгоҳимиз моддий маблағга, тиббий ходимларимиз ижтимоий ҳимояланиш имконига эга бўлади-ку!

Шу ўринда иқтидорли олима, тиббиёт фанлари доктори, профессор Роҳила Қорабоева умр зарварағига бир назар ташлашни лозим топдик.

...Шифокор бўлиш орзусида юрган Роҳила ўрта мактабни битирди-ю, Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳига йўл олди. Дастлаб тайёрлов курсида икки йил таҳсил кўрди. Унинг ёшлик чоғи, талабаликнинг олтин даври Улуғ Ватан уруши тугаган оғир кезларга тўғри келди. Лекин иқтидорли қиз қалбида илмга ташналик қийинчиликларни бардош билан енгишга, қунт билан тиб сирларини мутолаага ундади. У талабалик даврида ёқ ўзининг тақдири тиббиёт фани билан чамбарчас боғланганлигини биларди.

Роҳила Қорабоевани қон томирларининг торайиши ва кенгайиши, бод касаллиги кўпроқ қизиқтирарди. Шу мавзуда илмий иш олиб борди. Изланди, тажрибалар, касалхонада ўтказилган бедор тунлар бесамар кетмади. Мамлакат Тиббиёт фанлар академияси қошидаги бод касалликлари олийгоҳи мутахассислари билан ижодий ҳамкорлик қилди. 1955 йилда академик Анатолий Иннакентьевич Нестеров раҳбарлигида илмий номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади.

— Ҳеч унутолмайман, 1971 йилда илмий ишни ёқлаган куним эди. Шу ерда айрим ҳамкасблар, «афсуски шундай иқтидорли фан кишиси аёлман, оила деб илмий ишдан узилади-да» дейишганини эшитганимда кўнглимдан шундай ўжар туйғу кечдики, «йўқ, албатта, бу соҳани яна давом эттираман, докторлик илмий ишимни ҳам худди шу ерда ёқлайман!» деганимда йиғилганлар қарсак чалиб юборишди. Илмий ишни ёқладим. Клиникага йўл олдим.

Чунки Роҳила Афзаловнани клиникада оғир бемор интиқ бўлиб кутарди. «Доктор, сиз эртага илмий ишингизни аъло ёқласангиз, билингки мен сизни оёққа туриб қарши оламан! Ўраман!» деганди у. Бемор уни кўриши билан туришга интилди. Унинг руҳиятида ўзгариш, яшашга, юришга ишонч пайдо бўлганди. У беморни ҳаётга қайтарганди.

Эътироф этиш керак, 1981 йилда республикамизда ревматология маркази ташкил топишида ҳам олиманинг ҳиссаси бор. Шу пайтгача республикамизда атиги 8 та ревматология кабинети бўлган бўлса, ҳозир Тошкент шаҳрининг ўзида 40 дан ортиқ шундай тиббий маскан бор. Лекин ревматолог мутахассисларга эҳтиёж катта.

Истеъдодли олима мутахассис-кадрлар, шогирдлар етиштиришга кўп меҳнат сарфлайди. Бела Хан, Мавлуда Азимова, Павел Павли, Номоз Шоназаров каби кўплаб фан номзодлари у билан ҳамнафас. Назира Аҳмедова, Ҳожиакбар Абдуллаев, Марита Елецеевалар эса докторлик илмий ишларини давом эттиришяпти. Чотухра Юсуф эса ҳозир она юрти —Бангладешда ишлаяпти. Республикамизнинг турли бурчакларидан Абдуворис Алижонов, Оксана Исаева, Абдурашид Қосимов, Ҳалима Асадовалар номига бемор ва уларнинг яқинлари ташаккур билдириб ёзган мактублар талайгина.

— Роҳила Афзаловна сўнгги савол. Сўзсиз, Сиз бахтли аёлсиз. Дилингизда ушалмаган истакларингиз борми? Армонингиз дейишга тилим бормади!

— Оиламдан кўнглим тўқ. Оиламизда ҳаммамиз шифокормиз. Турмуш ўртоғим Малик Қосимов, қизларим Гулмира, Элмира, ҳатто куёвим Рашид Маликов ҳам тиббиётчи. Шогирдларим эса истеъдодли. Лекин биласизми, армоним бор. Ҳайрон бўлманг, жуда афсусланаман бирор хорижий тилни мукаммал билмаганимдан. Чет элларда, олий анжуманларда, ижодий сафарларда бўлганман.

Ўтган йил Будапештда ревматологларнинг халқаро йиғинида доклад қилишим керак эди. Ўша кезлари рус тили секцияси ёпилиб қолди. Инглиз ёки бирор жаҳон тилини билганимда албатта, бир ўзбек аёли сифатида жаҳон олимлари олдида чиқиш қилишни истардим. Мустақил республикамизнинг шифокорлари, олимларини бу нуқсондан ҳоли кўришни истайман.

Профессор жуда ҳақ гапни айтди. Шуни унутмаслигимиз керакки, жаҳон миқёсига чиқиш шиддатли кураш, рақобат, уддабуронлик, ишбилармонлик, билимдонликни талаб этади.

...Олима билан суҳбатимизни якунларканмиз, унинг фан заҳматкаши, билимдон шифокор, талабчан устоз, ёйинки уддабурро раҳбарлик фазилатлари ҳақида ўйлаймиз. Йўқ, у энг муҳими ҳамиша виждони олдида пок инсонлигини қайд қилгимиз келади.

Санда ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.



Суратда: (чапдан ўнгга) — доцент А. Ҳасанов, ассистент П. Павли, профессор Роҳила Қорабоева, доцент А. Абдуллаев ассистент А. Алижоновлар яқинда Тошкентда бўлиб ўтган республика ревматологлари уюшмаси анжумани якунлари хусусида суҳбатлашмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ суратн.

Мустақил республикамизда ёшларга таълим-тарбия беришга, ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар ҳаққоний ёзилишига киришилмоқда. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган XII чақириқ республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ҳужжатларида ҳам катта эътибор берилган.

«Келажак бугундан бошланади, — дейилади И. А. Каримов нутқида. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз.

Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чиннакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади».

Бу борада Сурхондарё вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Биз яқинда вилоятнинг Олтинсой районида бўлиб, худди шу муаммо ва бу борада Ўзбекистон Президенти Фармонларининг бажарилиши билан қизиқдик.

Президент фармонлари амалда

ФИДОЙИ

Район халқ таълими бўлими мудири Карим Худойқулов билан ғарибгина бинодолида турибмиз.

— Мана шу ерларга разм солинг, — дейди Карим ака. — Бундан ўн йил муқаддам бу бинога қадам босишнинг имкони йўқ эди. Район янги тузилган, турли идоралар ҳали ўз бошпанасига эга эмасди. Биз ҳам бундан четда қолмадик. Шу ерда янги ташкил этилган халқ таълимига алоҳида эътибор беришдан бошладик. Айрим ҳужжатларга машинада имзо чекиш, муҳр босишга тўғри келарди. Асосий вақтимиз мактабларда, ўқувчилар ҳузурида ўтарди. Муҳим муаммоларни муаллимлар иштирокида ўша ернинг ўзида ҳал этардик. Натижа ёмон бўлмади. Бугунги кунда районимизнинг фидойи муаллимларининг сафи тобора ортиб бормоқда.

Район халқ таълими бўлими мудири К. Худойқулов ҳақ сўзни айтди. Тўғри, кейинги йилларда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Райондаги 49 та умумтаълим мактабларида 21,5 минг нафар бола таълим-тарбия олаётир. Мактабларнинг Қудрат Омонқулов, Мирза Жовлиев, Бобохон Аҳмедов, Ширин Турумова, Хушбоқ Тоғназаров, Ҳамро Тошбоев, Раҳматулло Боев, Абдураҳмон Соатов, Яхшибой Омонов, Карим Одинаев, Суюн Йўлдошев сингари фидойи ўқитувчилари бугунги кун талаблари асосида таълим-тарбия беришга интилмоқдалар.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Шу ўқув йилининг ўзида 500 дан зиёд муаллим қайта тайёрловдан ўтказилди. Уларнинг 8 нафари услубчи-ўқитувчи, 24 нафари катта ўқитувчи, 6 нафари эса Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси бўлганлиги қувончли ҳолдир. Шу боисдан бирга оталиқ ташкилотлари янги мактаб бинолари ҳамда қўшимча синфлар қуришга ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Жумладан, ўтган йили 4-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошладилар: «Хўжасоат», «Олтинсой» давлат хўжалиги раҳбарлари ҳам 840 ўринли мактаб биноларини фойдаланишга топширдилар.

«Ленинград» жамоа хўжалиги эса 7-, 8- ва 30-ўрта мактаблар учун қўшимча синф хоналари қуриб бердилар. Шундай хоналар 15-, 14-ўрта мактабларда ҳам қурилиб фойдаланишга топширилди.

Район халқ таълими бўлими ўқитувчиларнинг яхши ишлашлари билан бирга дам олишларига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Муаллимлар учун 32 минг сўмлик газ ўтказиб берилди. 2200 тонна ёқилғи билан таъминланди. Юзлаб ўқитувчилар турли дам олиш уйлари ва саёҳатларга юборилди. 360 нафар ўқитувчи томорқа билан таъминланди, 57 ўқитувчига эса яшаб турган уйлари хусусийлаштириб берилди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ўқитувчилар учун қилаётган ғамхўрлиги олтинсойликларни ҳам янада яхши ишлаш ва изланишга ундамоқда. Иқтисодий жиҳатдан оғир ва кам таъминланган ўқитувчилар учун 658 минг сўм ажратилди. Бундай маблағлар йилдан-йилга кўпайиб бораётир.

Яқинда қабул қилинган Фармон билан қанчаданқанча талабалар, саломатлик посбонлари, заҳматкаш муаллимларнинг ташвишлари бироз бўлса-да енгиллашди.

Иқтисодий танқисликка қарамай, мактаб ўқувчиларига бепул нонушта берилди. Ўқитувчилар маоши оширилди, уларга коммунал хизмат кўрсатишда янгиликлар яратилди, аълочи талабалар хорижга ўқишга юборилмоқдалар, стипендиялар кўпайтирилмоқда, овқатланиш учун қўшимча нафақа тўланмоқда.

Лекин бу борада муаммолар ҳали кўп. Кўпгина мактаблар ҳамон мослаштирилган биноларда жойлашган. Бу эса болаларнинг ўқишлари ва овқатланишлари учун жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Ошхоналарни маҳсулот билан таъминлашда ҳам узилишлар рўй беряпти.

Фидойи бўлимнинг бир-дан-бир йўли ҳалол ишлашдан иборатдир. Районда бундай муаллимлар сафи ортиб бориши бежиз эмас. Шундай бўлса-да, тарбиячилар, ўқитувчиларга моддий ва маънавий ёрдамни сира аямаслигимиз лозим. Ахир улар келажагимиз меваларига таълим-тарбия беришяпти.

Бу — фидойилик билан фахрланса арзийди.

М. ПИРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

А. ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази мухбири.

«Ўзбекистон овози» материаллари изидан

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКМИ ЁКИ ҲУРМАТСИЗЛИК?

Бундан икки йилдан зиёд муқаддам республикамизда ўзбек тилини давлат тили, деб эълон қилиниши кўпчиликни қувонтирганди. Ўз халқини севган, ҳурмат қилганлар тил ҳақидаги қонунни амалга оширишни бошлаб юбордилар. Бу борадаги эзгу ишлар, саъйи-ҳаракатлар ҳақида рўзномамизга хат-хабарлар келиб турибди. Аммо рўзнома почтасида мактублар, шикоят-аризалар ва танқидий чиқишларга келган шундай жавоблар ҳам борки, улар албатта, кишини ранжитади.

Сўз исботи билан, деганларидек, рўзномамизда эълон қилинган «Йўловчига ҳурмат шуми?» (18. 09. 91 й) сарлавҳали танқидий мақолага Ўрта Осиё Темир йўли йўловчиларни ташиш хизмати бошлиғи Т. Дадахўжаевнинг жавобини қандай бўлса, шундайлигича эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Аввало мақола ўзбек тилида чоп этилган. Унинг муаллифи ҳам ўзбек. Қоларверса, бизга жавоб йўллаган йўловчиларни ташиш хизмати бошлиғининг имзосига қарагандa ўзбек. Аммо, негадир у ё ўз она тилида ёзишни билмайди ё республикамизда иш юритишда давлат тилига ўтишни бошлаш лозимлигидан бехабар.

Биз мазкур жавобнинг суратини беришимизнинг боиси — Ўрта Осиё Темир йўли бошқармасидан олинаётган хатлар, жавобларнинг аксарият қисми рус тилида эканлигини айтиб ўтишдир. Фарғоналик йўловчи Х. Хидоятов темир йўл вокзалидаги тартибсизликлар, вагон проводникларининг ўз вазифаларини кўнгилдагидек бажармаётганликлари ҳақида шикоят юборганди. Таҳририят уни текшириб, ҳал қилиш учун Ўрта Осиё Темир йўли бошқармасига йўллади. Унга ўртоқ Т. Дадахўжаевнинг муовини И. Файзуллаев жавоб йўллаган. Не кўз билан кўрайликки у ҳам рус тилида ёзилган.

Қонун ҳамма учун баробар. У бажарилиш учун чиқарилади. Агар у имонимиз, эътиқодимизга даҳлдор бўлса кўрсатма кутмай, ташаббус кўрсатиб, адо этилишини талаб қилади. Бироқ ўзини ҳам, халқини ҳам, миллатини ҳам ҳурмат қилмаганлар ҳамон тил ҳақидаги Қонунни менсишмаяпти.

Бунга Норин районидаги К. Маркс номли колхоз тез ёрдам медицина ҳамшираси Х. Собированинг шикоятига Наманган область Соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи В. Умурзоқов, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳ. Ғуломованинг шикоятига Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бош бошқармасига қарашли 2-автокомбинат директори С. Аъзамов, Коммунистик районида яшовчи Д. Ўринбоеванинг хатига Тошкент область ижроия қўмитаси муовини Ҳ. Ҳамидов, Сергели районлик М. Абдуқодировнинг шикоятига район ижроия қўмитаси раиси Ҳ. Иззатуллаев рус тилида йўллаган жавобларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу каби жавоблар рўйхатини истаганча давом эттирса бўлади. Бу, бизнингча, фақат тилгагина эмас, балки элга эътиборсизликдир.

К. РИХСИЕВ.

Министерство путей сообщения СССР
УПРАВЛЕНИЕ СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ОРДЕНА ОКТЯБРЬСКОЙ РЕВОЛЮЦИИ ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ

Редакции газеты "Совет Узбекистона" на нр.183

14.11.91 № 497

Ташкент

Опубликованная в газете "Совет Узбекистона" 18.09.91 статья "Йуловчига хурмат шуми?" рассмотрена в коллективе работников вагонного депо Андижан.

На поставленные в статье вопросы разъясняю:

- согласно приказа МПС в связи с повышением розничных цен на постельное белье была повышена стоимость одного комплекта постельного белья в поездах,
- ковровыми дорожками, согласно приказа МПС нр.14 ЦЗ, обеспечиваются только фирменные поезда,
- зимние одеяла на местные поезда выдаются по мере похолодания,
- из-за недопоставок мыла и туалетной бумаги временно уменьшена норма выдачи их в вагоны пассажирских поездов.

За невнимательное отношение к пассажирам проводникам вагона Нуралиеву и Матюсупову объявлено замечание, начальник поезда Яхьяев - предупрежден.

Работниками контрольных служб управления дороги усилен контроль за качеством подготовки составов в рейс и обслуживанием пассажиров в пути следования.

Начальник пассажирской службы Т.Р.Лалаходжаев

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА СОВХОЗЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЛОЙИҲАЛАШ ҚИДИРУВ ВА ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ОЛИЙГОҲИ «ЎЗДАВСУВЛОЙИҲА ОЛИЙГОҲИ»

лойиҳалаш ишлари бўйича буюртмалар қабул қилади

— янги ерларни суғориш;
— эски суғориладиган ерларни қайта ишлаш (реконструкция);
— сув омборлари, селдан ҳимоя қилувчи иншоотларни ва ҳовузларни;
— каналлар, коллекторлар ва ташламаларни;
— насос станцияларини
— гидроузелларни;
— қирғоқларни ҳимоя қилувчи дамбаларни;
— селдан ҳимоя қилувчи ва емирилишга қарши бўлган иншоотларни;
— ёпиқ уфқий ва тик зовурларни (дренаж);
— томчилатиб суғориш ва бошқа турларини;
— саитех тармоқлари ва қозонларни ўрнатишни;
— сув билан таъминлаш тармоқларини ва қишлоқ аҳоли пунктларини канализациялашни;
— қишлоқ жойларда йўллар ва иншоотлар қуришни;
— қишлоқларда маданий-маиший объектларини қуришни;
— турар жойларни (3-5 хоналик 1 қаватли индивидуаль коттеджларни) ва бошқаларни

«ЎЗДАВСУВЛОЙИҲА ОЛИЙГОҲИ» ШУНИНГДЕК ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ:

— лойиҳани қуриш учун, жойни табиий шароитда, воқеликда бўлиб беришни;
— топогеодезик съёмкалар қилиш;
— геодезик асбобларнинг ҳамма турларини таъмирлаш.

Олийгоҳ қидирув экспедициялари БУХОРО, ГУЛИСТОН, ЖИЗЗАХ, ТЕРМИЗ ва УРГАНЧДА жойлашган. «ЎЗДАВСУВЛОЙИҲА ОЛИЙГОҲИ» шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажаришга кафолат беради.

БИЗ СИЗЛАРНИГ ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

Бизнинг манзилгоҳ: 700128, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 41-07-91, 41-45-27.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Кафедралар бўйича бўш лавозимларга Танлов эълон қилади

мудир: фалсафа, чет тиллари.

доцентлар: Ўзбекистон тарихи, библиография, маданий-маърифий ишлар.

катта ўқитувчилар: кутубхонашунослик, мусиқа назарияси ва тарихи, сиёсий тарих, ҳаваскорлик оркестрлари ва халқ чолғу асбоблари ансамбларига раҳбарлик қилиш.

ўқитувчилар: фалсафа, оммавий байрамлар ва халқ ижодиёти режиссураси, ҳаваскорлик оркестрлари ва халқ чолғу асбоблари ансамбларига раҳбарлик қилиш.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольт даҳаси, 3-сектор, 127 «а» уй.

Телефонлар: 62-04-64, 62-03-23.

«ОЙНАИ ЖАҲОНДА» КЎРИНГ

13 январь, душанба

ЎзТВ-I. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Концерт. 18.55 Тадбиркорлар ҳузурида. 19.25 Тижорат хабарлари. 19.30 Ахборот. 19.50 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида. 21.00 Ахборот. 21.25 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида.

ЎзТВ-II. 18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Миришкорлар. 20.00 Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хабарлари. 20.25 Саломат бўлинг. 21.25 Концерт. 21.40 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм. 22.55 Хабарлар.

МОСКВА-I. 7.00 Тонг. 9.35 Мультфильмлар. 10.15 Болалар учун кўрсатув. 11.15 «Казус» импровизус». Бадиий фильм. 12.30 Эртак ва афсоналар. 12.35 Концерт. 13.00 Янгиликлар. 15.15 Телемикст. 16.00 Янгиликлар. 16.20 Бу бўлган, бўлганди. 16.40 «Унинг дўмбирасига оҳанглар содиқ эди». Бадиий фильм. 18.00 Телеочерк. 18.15 Мультфильмлар. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Ҳалокат учун ярим миллиард. 20.05 Футбол шарҳи. 20.35 «Казус инпровизус». Бадиий фильм. 21.45 Хайрли тун, кичкинтойлар. 22.00 Янгиликлар. 22.30 Муаллифлар ойнаи жаҳони.

МОСКВА-II. 9.00 Хабарлар. 9.20 Ишбилармон кишилар даври. 10.20 Хонадонингиздаги гуллар. 10.35 Итальян тили. 11.05 Кумуш аср гулчамбари. 11.20 «Биз». Фильм. 1-қисм 12.15 Деҳқонларга таалluқли масала. 12.30 Телеахборот тижорати. 13.00 Италия уйчаси фонидаги лирика. 14.00 Вариациявий мавзу. 17.00 Хабарлар. 17.20 Болалар соати. 18.20 Простор плюс. 18.50 «Новая время» бўйича 15 дақиқа. 19.05 Телеахборот тижорати. 19.20 Ҳужжатли фильм. 20.20 Россия билан юзма-юз. 20.40 Ишдан бўш пайтингизда. 20.55 Эълонлар. 21.00 Янги йил пироги. 21.10 П. Бунич билан суҳбат. 21.30 Байрам кўрсатуви. 22.55 Эълонлар. 23.00 Хабарлар. 23.25 5-ғилдирак. 01.05 Дам олиш кўрсатуви.

14 январь, сешанба

ЎзТВ-I. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Қаторда норинг бўлса. 19.00 Истиқбол йўлида. 19.30 Ахборот. 19.50 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида. 21.00 Ахборот. 21.25 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида.

ЎзТВ-II. 10.30 Ўқув кўрсатуви. 11.00 Телефильм. 11.30 Изланиш. 18.35 Болалар учун фильм. 20.00 Хабарлар. 20.10 Бу оқшомда. 22.00 Кинонигоҳ. 23.15 Хабарлар.

МОСКВА-I. 7.00 Тонг. 9.35 Мультфильмлар. 10.20 Телефильм. 10.40 «Занг». Бадиий фильм, 1-серия. 12.10 Футбол шарҳи. 12.40 Концерт. 13.20 Ритмик гимнастика. 13.50 Телефильм. 14.20 Концерт. 15.15 Биржа янгиликлари. 15.30 Бу сизга керакми? 15.45 Савдо растаси. 16.00 Янгиликлар. 16.25 Ольга Иванова сабоқлари. 16.40 «Ўкираётган ҳайвонга меҳрибонлик». Бадиий фильм, 1-серия. 17.45 «Ҳудуд». 18.05 Болалар мусиқий клуби. 18.45 Чемпионлар билан биргаликда. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Сиёсий текширув. 19.50 «Дело». 20.15 «Занг». Бадиий фильм, 1-серия. 21.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 22.00 Янгиликлар. 22.30 Киносерпантин. 23.45 «Лондондан меҳр билан ёки» 00.20 «Тўққизталик». 00.55 Концерт. 01.35 «Ўкираётган ҳайвонга меҳрибонлик». Бадиий фильм, 1-серия.

МОСКВА-II. 9.00 Хабарлар. 9.20 Француз тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Француз тили. 10.35 Болалар соати. 11.35 «Биз». Фильм. 12.35 5-ғилдирак. 14.15 Мушуклар ҳақида сўз. 17.00 Хабарлар. 17.20 Ҳаёт кузи. 17.35 Сузиш. Жаҳон кубоги. 18.35 Ишчан аёл. 19.05 Телеахборот тижорати. 19.20 Арча, Кремль ва Янги йил. 20.15 Ислоҳот сизга. 20.55 Эълонлар. 21.00 Ҳар куни байрам. 21.10 «Камбағаллар олтини». Телефильм. 22.00 Юлдузлар олами. 22.55 Эълонлар. 23.00 Хабарлар. 23.20 Эълонлар. 23.25 Ишчан чопар. 23.40 Кулгили воқеалар. 00.10 Автошоу. 00.40 Жамоатчилик фикри. 00.50 Мусиқий кўрсатув.

15 январь, чоршанба

ЎзТВ-I. 8.00 Ахборот. 8.25 Телефильм. 8.45 «Олмазор». Бадиий фильм. 10.10 «Ёшлик». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Дала юмушлари. 18.50 Футбол майдонларида. 19.30 Ахборот. 19.50 Ҳуқуқ—ҳаётимизда. 20.30 Рақслар гулдастаси. 21.00 Ахборот. 21.25 Иқтисодий мустақиллик йўлидан. 21.55 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 10.30 Биология. 11.00 Телефильм. 11.30 Кимё. 18.30 Мультфильмлар. 19.20 Билим сарчашмаси. 19.50 Мусиқий меҳмонхона. 20.20 «Сени изладаб». Бадиий фильм. 21.25 Киноконцерт. 21.55 «02» тўлқинида. 22.30 «Жизель». Спектакль.

МОСКВА-I. 7.00 Тонг. 9.35 Мультфильмлар. 10.10 Болалар мусиқий клуби. 10.50 Чемпионлар билан биргаликда. 11.05 «Занг». Бадиий фильм, 2-серия. 12.00 Телефильм. 12.30 Концерт. 13.00 Янгиликлар. 13.20 Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин. 13.35 Халқ табобати. 14.40 Телефильм. 15.10 Ён дафтар. 15.15 Телемикст. 16.00 Янгиликлар. 16.20 Фильм-концерт. 16.50 «Ўкираётган ҳайвонга меҳрибонлик». Бадиий фильм, 2-серия. 18.00 Ҳужжатли фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Болалар ва ўсмирлар учун телекўрсатувлар. 19.50 Бозор қонунларига биноан. 20.30 Концерт. 20.45 «Занг». Бадиий фильм, 2-серия. 21.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 22.00 Янгиликлар. 22.30 Ҳужжатли фильм. 23.25 «Астра» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси 00.55 Париж—Триполи —Кейптаун автопойгаси. 01.35 Билярд. Халқаро мусобақа. 02.00 «Ўкираётган ҳайвонга меҳрибонлик». Бадиий фильм, 2-серия.

МОСКВА-II. 17.00 Хабарлар. 17.20 Менеджерлар мактаби. 17.50 Узоқ шарқ. 18.35 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.50 Умумийликдан хусусийликка. 19.05 Телеахборот тижорати. 19.20 Сузиш. Жаҳон кубоги. 20.00 Шоир И. Карлов ва М. Кабаковлар ижодидан. 20.40 «Қўлни бер, дўстим. 20.55 Эълонлар. 21.00 Ҳар куни байрам. 21.10 Россия билан юзма-юз. 21.30 «Нота вене» студияси. 22.25 Мулоқот. 22.55 Эълонлар. 23.00 Хабарлар. 23.20 «Адидас». 23.50 Иккинчи ёки ўн олтинчи.

16 январь, пайшанба

ЎзТВ-I. 8.00 Ахборот. 8.25 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм. 9.50 «Ёшлик». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Қўшма корхоналар истиқболи. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Зиё маскани. 20.20 Манзарали фильм. 20.30 Шокир Ҳакимий лирикаси. 21.00 Ахборот. 21.25 Кино усталари. Мэлс Абзалов. 22.25 Тижорат хабарномаси. 22.30 Ҳайрулла Лутфуллаев куйлайди.

ЎзТВ-II. 10.30 Ботаника. 11.00 Фильм-концерт. 11.30 Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди. 18.30 Телефильм. 19.00 Бу оқшомда. 20.00 Хабарлар. 20.10 Бу оқшомда. 21.30 Телефильм. 22.00 Хабарлар.

МОСКВА-I. 7.00 Тонг. 9.35 Болалар учун фильм. 11.00 Мультфильмлар. 11.35 «Занг». Бадиий фильм, 3-серия. 12.35 Телефильм. 13.00 Янгиликлар. 13.20 Инсон ва қонун. 14.00 «Пи» белгиси билан. 14.50 Шунинг учун одамлар менга қадрли. 15.55 Телемикст. 16.00 Янгиликлар. 16.20 Бугун ва ўша пайтларда. 16.50 «Ўкираётган ҳайвонга меҳрибонлик». Бадиий фильм, 3-серия. 17.55 Болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар. 18.15 Болалар учун фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.00 Мультфильм. 20.10 Туманлар, кўллар ва анъаналар юрти. 20.45 «Занг». Бадиий фильм, 3-серия. 21.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 22.00 Янгиликлар. 22.30 Мусиқага таклиф этамиз. 24.00 «Криминформ» хабар қилади. 00.15 Лондондан меҳр билан ёки... 00.50 «Сиз билан ёнма-ён». Бадиий фильм. 02.00 Телефильм. 02.30 «Ўкираётган ҳайвонга меҳрибонлик». Бадиий фильм, 3-серия.

МОСКВА-II. 9.00 Хабарлар. 9.20 Испан тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Испан тили. 10.35 Болалар соати. 11.35 «Биз». Фильм. 12.30 Жанр излаб. 14.05 Телеочерк. 14.40 «Новая время» бўйича 15 дақиқа. 17.00 Хабарлар. 17.20 «Душманлар». Телеспектакль. 19.05 Телеахборот тижорати. 19.20 Бадиий публицистик кўрсатув. 20.05 Ислоҳот сизга. 20.45 Ишдан бўш пайтингизда. 21.00 Эълонлар. 21.05 Ҳар куни байрам. 21.15 Махсус тижорат хабарномасида. 21.25 «Санта-Барбара». Бадиий фильм, 9-серия. 22.15 Россия Федерацияси Олий Кенгаши сессиясида. 22.55 Эълонлар. 23.00 Хабарлар. 23.20 Эълонлар. 23.25 5-ғилдирак.

17 январь жума

ЎзТВ-I. 8.00 Ахборот. 8.25 «Қорли ўлка нафаси». Бадиий фильм. 9.55 Олий таълим—янгиланиш йўлида. 10.35 «Ёшлик». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Оз-оз ўрганиб, доно бўлур. 18.40 Ёшлик оқшоми. 19.25 Тижорат хабарлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Концерт. 21.00 Ахборот. 21.25 «Катта айиқ» операциясининг ҳалокати» Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 10.30 Ботаника. 11.00 «Оққушларни кутинг». Телефильм. **ДУШАНБЕ КЎРСАТУВЛАРИ.**

МОСКВА-I. 7.00 Тонг. 9.35 Мультфильмлар. 10.10 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 10.50 Телефильм. 11.25 Концерт. 11.40 Болалар учун фильм. 13.00 Янгиликлар. 13.20 Саёҳатчилар клуби. 14.25 «Қайтиш». Ҳужжатли фильм. 14.45 Ён дафтар. 14.50 Биржа янгиликлари. 15.20 Бридж. 15.45 Бизнес-класс. 16.00 Янгиликлар. 16.25 Балет-ҳазил. 16.50 «Сиз билан ёнма-ён». Бадиий фильм. 18.00 Образ. 18.20 «Прок-бизнес ва сиёсат. 19.00 Янгиликлар 19.20 Концерт. 19.35 Инсон ва қонун. 20.15 «Оилам ва бошқа жониворлар». Бадиий фильм, 3-серия. 20.50 ВИД кўрсатувлари. 21.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 22.00 Янгиликлар. 22.30 ВИД таништиради. 00.45 Автопойга.

МОСКВА-II. 9.00 Хабарлар. 9.20 Ишбилармон кишилар даври. 10.20 Инглиз тили. 10.50 Ишдан бўш пайтингизда. 11.05 Инглиз тили. 11.35 «Биз». Фильм. 12.30 Хашъамали мода санъати. 13.10 5-ғилдирак. 17.00 Хабарлар. 17.20 Асраб авайла. 18.20 Фристайл. Жаҳон кубоги. 18.50 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.05 Телетижорат ахборот. 19.20 ТелеЭКО. 19.50 Мансаб алифбоси. 20.05 Сиёсий кўрсатув. 20.45 Ишдан бўш пайтингизда. 21.00 Эълонлар. 21.05 Ҳар куни байрам. 21.15 «Санта-Барбара». Бадиий фильм, 10-серия. 22.05 Россия Федерацияси Олий Кенгаши сессиясида. 22.35 Время. 22.55 Эълонлар. 23.00 Хабарлар. 23.20 Бутун олам —театр. 23.45 Маски-шоу. 00.15 Йил камолоти.

18 январь, шанба

ЎзТВ-I. 8.00 Ассалому алайкум. 9.00 «Жасур ҳочбар ҳақида достон». Бадиий фильм. 10.35 Ўзбекистон спорти. 11.05 Шеърият дафтаридан. 11.15 Бунёдкор. 11.45 Абдулла Қодирий жамғармаси. 12.25 «Рўзвон» фольклор ансамблининг концерти. 13.00 Чорвадор. 13.30 Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.00 Мультфильм. 18.15 Тенгдошларинг ижодидан. 19.00 Депутат ва ҳаёт. 19.30 Ахборот. 19.50 Манзарали фильм. 20.00 Санъатимиз юлдузлари. 21.00 Ҳафтанома. 22.00 «Унсиз фарёд». спектакли ҳақида.

ЎзТВ-II. АШХОБОД КЎРСАТУВЛАРИ. 11.05 Спорт кўрсатуви. 11.50 «Шадиян бидже». 12.50 Телефильм. 13.00 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 14.00 «Огинский полонези». Бадиий фильм. 17.10 Яхшилик қил. 17.55 Янгиликлар. 18.05 Эълонлар. 18.10 «Кохановкалик артист». Бадиий фильм. 19.25 Концерт. 20.00 Туркманистон. 20.15 Кичкинтойлар учун. 20.30 Туркман тилини ўрганамиз. 21.00 Туркманистон. 21.30 Адабий кўрсатув. 22.45 «Мен — Оқ қайин». Бадиий фильм.

МОСКВА-I. 8.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 9.30 Мультфильм. 9.45 Концерт. 10.15 «Саятки». Бадиий фильм. 10.40 Тақдир ғилдираги. 11.45 Ҳамдўстлик. 13.00 Мультфильм. 13.20 «Икс». 13.50 «Эҳ». 14.05 Китобхона. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 16.25 Ҳайвонот оламида. Корея. Сиёсатдан ҳоли қолиш. 17.40 Мультфильм. 17.50 «София Ротаруга гуллар». Ижодий фаолиятининг 20 йиллиги. 20.00 «Ника—91». 21.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 22.00 Янгиликлар. 22.30 «Бир бор алданган». Бадиий фильм. 00.05 КВН—архив. 00.35 Катталар учун мультфильмлар. 00.50 Сени куйлаймиз. 01.20 Профессионал бокс. Жаҳон чемпионати. 01.50 Рақслар.

МОСКВА-II. 9.00 Хабарлар. 9.20 Сиз яратган боғ. 10.00 Баскетбол шарҳи. 10.30 «Республика» ижодий уюшмаси таништиради. 11.00 «Республика мулки». 11.30 «Утка қишлоғи». Бадиий фильм. **Дўстлик видеоканали. 13.30 Яна бир бор меҳр-шафқат ҳақида. 14.10 Бизнен мирас. 15.10 Дўстлик тароналари. 15.50 Концерт.** 17.00 Хабарлар. 17.20 «Илтижо». Балет. 17.40 Футбол. Европа чемпионати. Қуръа ташлаш. 19.00 «Бурда моден». 19.30 Байрам кечасида фол очиш. 20.00 АҚШдан ҳафталик кўрсатув. 20.50 Эълонлар. 21.00 Ҳар куни байрам. 21.10 «Санта-Барбара». Бадиий фильм, 11-серия. 22.00 Авлодлар. 22.20 Россия Федерацияси Олий Кенгаши сессиясида. 22.55 Эълонлар. 23.00 Хабарлар. 23.20 «К-2» таништиради.

19 январь якшанба

ЎзТВ-I. 8.00 Ҳафтанома. 9.00 Телефильм. 9.30 Қувноқ стартлар. 10.15 Араб тили. 10.45 Нон қадри. 11.15 «Олтин тоғ сири». Бадиий фильм. 12.30 Санъат усталари. 12.20 Даврамизга марҳабо. 14.00 Оромбахш ичимликлар маскани. 18.00 Мультфильмлар. 19.40 «Букри тойчоқ». Қўғирчоқ театри. 19.30 Ахборот. 19.50 Ижодий учрашувлар. 20.30 Якшанба оқшомида. 21.00 Ахборот. 21.25 «Жаноб-420». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

ЎзТВ-II. БЕШКЕК КЎРСАТАДИ. 9.05 Мультфильм. 9.55 Қирғизча сўзлашишни ўрганамиз. 10.25 «Шайтон қулоқ». Қўғирчоқ театри. 17.35 Мультфильм. 17.50 Аралаш-қуралаш. 18.00 Янги йил кўрсатуви.

МОСКВА-I. 8.30 Хўроз учинчи бор қичқиргандан сўнг. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.30 Спортлото. 9.45 «Пи» белгиси билан. 10.15 Эрта саҳарлаб. 11.00 Хизмат қандай ўтаяпти? 11.40 Тонг юлдузи. 12.30 «Деҳқонлар». Бадиий фильм. 14.45 Саёҳатчилар клуби. 15.45 Мультфильм. 16.00 Янгиликлар. 16.20 «Далалар». 17.00 Ҳажвий кўрсатув. 17.30 Марафон-15. 18.20 Эфирда бевосита мулоқот. 19.00 Камалак. 19.35 А. Скрябин туғилганлигининг 120 йиллиги. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Эртаклар ва афсоналар. 20.20 Халқаро панорама. 20.50 «Уолт Дисней таништиради. 21.40 Савва Момонтов. 150 йиллигига. 22.25 «Чора чзлаб». Бадиий фильм. 22.50 Телелоция. 23.00 Якунлар. 23.45 Телеспорт кечаси.

МОСКВА-II. 9.00 Хабарлар. 9.20 Объективда — жониворлар. 9.40 Хоҳ ишонинг. 10.10 Спорт — болаларга. 11.10 «Ойна». 11.40 «03» программаси. 12.10 «Ати-бати». 12.40 «Мен бу ишга бошқа қайтиб келмайман». Бадиий фильм. 14.30 Паралеллар. 15.00 Биз — Россия фарзандлари. 15.45 «Супербуви—91». 17.00 Хабарлар **Дўстлик видеоканали. 17.20 Дунё ва биз. 17.50 «Гарбга саёҳат». Видеофильм. 18, 19- сериялар. 19.50 Концерт.** 21.00 Ҳар куни байрам. 21.10 «Санта-Барбара». Бадиий фильм, 12-серия. 22.00 Фольклор кўрсатуви. 22.55 Эълонлар. 23.00 Хабарлар. 23.20 Очиқ христианлик. 23.50 Россия билан юзма-юз. 00.10 Сафсаталар. 00.40 Спорт кўрсатуви. 00.50 «А» программаси.

[«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» рўзномаси асосида тайёрланди].

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ

Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи ректорати ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистон тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси Х. С. Миралиевага отаси

Соат АЗАХУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси жамоаси Кинематографчилар уюшмасининг аъзоси

ГУРУНГ

• ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ОҚ ЙЎЛ, КУРРАИ-ҚУТЛУҒ!

Яшил сайёрамиз қуёш атрофида айланиб навбатдаги яна бир саёҳатини якунлади. Бир йилдан буён тиним билмай, секундига 30 километрча тезлик билан учаётган сайёрамиз узунлиги салкам бир миллиард километр келадиган йўлни босиб ўтди.

Ўртача катталикдаги сариқ бир юлдуз — Қуёш (радиуси салкам 700 минг километр) атрофида, ундан бир юз эллик миллион километр масофада миллиард йиллардан буён «гирдикапалак» бўлаётган — Ер деймиш бу осмон жисми ўзида ҳаётни сақлаб қолиш ва одам зотининг умрини боқий қилиш учун миллионлаб йиллар давомида хизмат қилаётганини сезган ҳар бир киши унга таҳсинлар ўқимай иложи йўқ.

Бироқ бахтга қарши бепоён коинотда табиат томонидан энг нодир нарса — ҳаёт инъом этилган гўзал бу сайёрани қанчалик эъзозлаш, қадрига етиш керакligини сезиш ҳар кимга ҳам насиб этмаган.

Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, дунё миқёсида ишлаб чиқарилган ядровий қирғин қуроллари ва бошқа барча портловчи моддалар, қувватига кўра, 18 минг мегатоннани ташкил қилади. Иккинчи жаҳон уруши давомида дунё миқёсида ишлатилган портловчи моддалар эса атиги 3 меготонна қувватга эга эди. Бинобарин, митти сайёрамиз бугун «ўзи сезмаган ҳолда» 6 минг иккинчи жаҳон урушини қилишга қудрати етадиган портловчи моддани «юк қилиб» елкасида ортиб юрипти. АҚШнинг биргина «Посейдон» сув ости кемасининг зарбавий заряди иккинчи жаҳон урушидан учтасини қилишга кучи етади.

Планетамиз миқёсида айни пайтда қуролланиш учун минутига 1,5 миллион доллардан кўпроқ, ҳафтасига 15,4 миллиард долларга яқин, бир йилда эса 800 миллиард доллар атрофида маблағ сарфланиб, киши бошига тўғри келадиган шартли портловчи модда (тринитротолуол)нинг миқдори уч тоннадан ортиқроқ.

Сайёрамиз ҳаётига таҳдид солишда ядровий қирғин қуролларидан сўнг иккинчи ўринда турадиган омил-охирги йилларда бор хавфи бутун «бўй-басти билан» кўринаётган экологик таҳдиддир. Ҳаётий ресурслардан ҳисобланмиш атмосфера ҳавосининг ва чучук сув манбаларининг ифлосланиши билан боғлиқ бу муаммо яқин юз йил ичида Ернинг иқлим шароитида ҳалокатга юз тутадиган даражада ўзгаришлар қилиши билан хатарли ҳисобланади. Айни пайтда атмосфера ҳавоси йилига саноат корхоналари, транспорт ва бошқа манбаълардан чиқариладиган ва миқдори 20 миллиард тоннадан ортиқ карбонат ангидрид билан ифлослантирилади. Сайёрамизнинг «ўпкаси» ҳисобланмиш денгиз ва океанлар, яшил ўрмонлар шундан қарийб 9 миллиард тоннасини тозалаб беришга улгуради. Саноат, транспорт корхоналари сонининг ортиши эвазига ифлосланишнинг ўсиши борган сайин кескин тус олмоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, асримиз охирида планета миқёсида ҳарорат бир даража зиёдроқ кўтарилиб, шимолий ва жанубий муз океанларининг Ер қутбларига томон икки даража чамаси чекинтиришга «мажбур қилади» (Ер меридиани бир градусининг узунлиги 111 километрни ташкил қилади). Келгуси асрнинг 70-йилларига бориб, башорат қилинишича, ҳароратнинг уч-тўрт даражага кўтарилиши кузатилади. Оқибатда на Шимолий ва на Жанубий муз океанидан асар ҳам қолмай, уларнинг (жумладан, Гренландия музликларининг ҳам) эриб битиши, натижада океан суви сатҳининг баландлиги 60 метрга қадар кўтарилиши кузатилади.

«Кемамиз»ни чўктиришга ундаётган бошқа бир хавф озон тешигидир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузган Дастурнинг раҳбари М. Толба 1989 йилда Хельсинкида ўтказилган халқаро қурултойда сўзга чиқиб, сайёрамиз озон қатламининг емирилишини соат механизми ишлатиб қўйилган бомбага ўхшатди.

Сайёрамизда рўй берган Орол қўли билан боғлиқ экологик ҳалокат, Чернобиль ҳалокати, инсон фаолиятини келажак учун режалаштиришда, айниқса бугун «етти ўлчаб, бир кес»нинг қанчалик муҳим эканлигини кўрсатди. Айни пайтда йирик технологик қурилма ва иншоотларнинг бошқарилишида юксак онг-лилик раҳнамолик қилмаса, ҳалокатлар узлуксиз давом этишига шубҳа йўқ. Уларни ишлатишда эҳтиёт чораларини тинмай такомиллаштиришгина ҳалокатли ҳодисалардан бизни асрашга имкон яратади.

Сайёрамиз «бошига» ёғилаётган бундай «ташвишларда» баъзилар фан ва унинг ютуқлари айбдор деб биладилар. Аслида ундай эмас, албатта. Бу масалада академик Д. С. Лихачев шундай деган эди: «...фан ҳақиқатни қидириш билан шуғулланади ва шунинг учун ҳам у ҳеч қачон аҳлоқсиз бўлмайди». Академик Б. Раушенбах эса сайёрамизда потенциан ҳалокатли ҳолатларнинг вужудга келишида илмий-техникавий жараённи айблашга мутлақ қарши чиқиб, бунинг асосий сабаби техника туфайли инсон қўли қудратининг кучайишидан, бундай техникани бошқарадиган тафаккурнинг қувиб етолмай ортда қолаётганидир деб тушунтиради.

Инсоннинг ўз уйи — Она ерга, борлиқ-табиатга нисбатан ўз вазифасини юксак масъулият билан адо этгандагина «яшил қароргоҳимиз»нинг умрига умр қўшиб, унинг асрлар давомида «топталган» ўз йўлида биз — ерликларни яна юзлаб йиллар хатарсиз «сайр қилдиришга» имкон яратади.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари номзоди.

• Санъат оламида

ОППОҚ КАБУТАРЛАР

Муқимий номидаги музикали драма театрининг репертуари яна бир саҳна асари билан бойиди. Бугун театр жамоаси янги спектаклни санъат шинавандалари ҳукмига илк бор ҳавола этади.

Бу таниқли драматург Жуманиёз Жабборовнинг «Менинг оппоқ кабутарларим» комедиясидир. Адиб бу асари орқали тўртинчи марта ўзига хос синов, томошабинлар «мулоқот»ига чоғланди. Мухлислар унинг «Ўжарлар», «Йиллар ўтиб» ва «Тўйдан олдин томоша» каби спектаклларини яхши билишади.

Драматургнинг навбатдаги саҳна асарида ўзига хос ғоя илгари сурилган. Чунончи Қарши чўлининг кимсасиз майдонларида катта ишларга бел боғлаган олти нафар қизнинг орзулари, дард-қувончлари саҳна тили билан ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамонлари ёш бўлишларига қарамай, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, ҳар бирининг ўз ташвиши ва интилишлари уйғунлашган пок ниятли ёшлар тимсоли сифатида намоён бўлади. Зеро, улар ҳаёт синовларидан ўтишга, ўз муҳаббат ва бахтларини топишга азму-қарор қилишган.

Томошабин саҳнада наманганлик Ҳаётхон, андижонлик Ўғилой, тошкентлик Зумрад, қаршилик Барчин, хоразмлик Ойбика, бухоролик Бахшандаларнинг қувноқ, айни пайтда ҳажвга бой меҳнат ва ҳаётларининг шоҳиди бўладилар. Уларнинг барча интилишлари, бунёдкорлик йўлидаги саъйи ҳаракатлари ўзига хос нафосат пардасига ўралганлиги билан томошабинда ажиб таассурот қолдиради.

Асарни ёш истеъдодли режиссёр Аҳад Фармонов саҳналаштирган. Бош ролларни Дилором Сафоева, Меҳри Бекчонова каби иқтидорли ёшлар ижро этишган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Икром Акбаровнинг қўшиқларга мос, ёқимли мусиқалари янграб туради. Ўйлаймизки, янги саҳна томошаси мухлисларга маъқул тушади.

М. АНВАРОВ.

Суратларда: «Менинг оппоқ кабутарларим» спектаклидан лавҳа.

Суратқаш С. КОГАН.

• Уйғур адиблари ижодидан

ҒАЗАБ ВА НОЛА

Эй, фалак, даҳшатларингдан мен тамом безорман,
Истадим кўп, лек топмадим дардима ҳеч дори ман.
Ота-бобомдан мерос кўҳна дарднинг қасдида
Ғоҳ ўлиб, ғоҳ тирилиб, кўпдан бери оворамен.
Ҳидлабон кулсам на армон, боғим баҳорим гулини,
Ҳар саҳар гул ишқида булбулга ўхшаш зорман.
Ғанимлар айлаб шикор бош келтирур ибрат учун,
Қарчиғай қушлар улар, мен мисоли сорман.
Юзма-юз қилмас таарруз[1], кўп кўнгилчандур улар,
Кўрмасам чайнар нажосат гўёки дил озорман.
Беақл деб ўйлади, чиндан назар солмай туриб,
Енгилиб кетди улар, кўпдан бери хушёрман.
Қўли чўлтоқ, ақли ноқис, деб маломатлар қилур,
Вох, уларнинг бу ишидан озори дил — хунборман[2].
Фанга юрсак кўз очиб, кофир жадид деб сўкишар,
Бу касофат даврда оташ бўлиб ёнарман.
Жизғанак чўл, дашту саҳро ичра қолдим ноилож,
Оҳ, қачон бир йўл топиб, қўшилай қатора ман.
Бу чўл ташнадур сувга, беадад мунбад ери,
Худди дарёдек ўзансиз гирён бўлиб қайнарман.
Уйғониб кетди жаҳон, мағрибу машриқ томон,
Мен ҳамон уйқудадурман, ғафлат босиб ётарман.
Бошқалар кўкда учиб, сувда сузиб кетди олис,
Мен ҳамон ялангоёқ, ҳасрат ичра ёнарман.
Илм-фандан йўқ хабар, босди ғафлат, хавф-хатар,
Ҳолимиз қулдан баттар, бу ҳолдан мен беморман.
Таъна дашном, ҳақорат, чекидан ошди зулм,
Энди не қилмоқ керак чорасиз абгорман.
Хор-зорлик уммонида топмай фароғат бир нафас
Тўлқиндек кўкка сапчиб, ҳаққа дард айтарман.
Давр жавридан не тонг, ҳолингга, Уйғур, войким,
Топилмас ўзга чора, жонни эт нисор сан.

Абдураҳим УТКИР.
1929 й.

1. Таарруз — қаршилик кўрсатиш.
2. Хунбор — юраги қон маъносида.

АЙЛАНАЙ

Эй, азиз юртим, сенинг кулба, саройингдан айланай,
Заъфарон тусли сенинг ғамгин чиройингдан айланай.
Бағрида олтин-кумушлар тоғларингдан айланай,
Кўксингдаги лаҳта-лаҳта қон доғларингдан айланай,
Дарёларда мунғайиб оққан сувингдан айланай,
Беадад ғам-дардларга тўлган куйингдан айланай.
Сунбул сочли, қалам қошли қизларингдан айланай,
Оналик бахтидан маҳрум наргисларингдан айланай.
Тили боғли, дили доғли шоирларингдан айланай,
Зуҳроси йўқ нотавон тоҳирларингдан айланай.
Илм бериб эл кўзин очган олимларингдан айланай,
Тили юмшоқ, дили қаттиқ золимларингдан айланай.

Аҳмаджон УСМОН.
1945 йил, Урумчи.

ҚОР ЁҒМОҚДА

Қор ёғмоқда гупиллаб, оқ қор...
Тўзимоқда нафис чечаклар.
Мен кўраман, бироқ
Зангор кўкда турналарни.
Қор ёғмоқда гупиллаб, оқ қор...
Мен келаман, бироқ
Чаманларни қилиб поёндоз.
Қор ёғмоқда гупиллаб, оқ қор...
Мен тинглайман, бироқ
Тинглаб-тинглаб тўймас бир куйин —
Оёғим остида
Сайрайди булбул.

Фарҳод ИЛЁС.

• МАНСУРА

ОНАМГА ХАТ

Онажон, бугун менинг туғилган куним. Мана шу унутилмас кунда сенинг ёнингда бўлишни қанчалик орзу қилишимни билсанг эди.

Шу топда жисман ёнингда эмасман. Бироқ руҳим, неча йиллардан буён қалбингга кўклам қуёшидек илиқлик бахш этган, баъзан ўйинқароқ кезларимдаги шўхликларим билан бошингга ғам-ташвишнинг қора кўланкасини ташлаган, похол ғарамлари ёнида чақмоқ тошдан учқун сачратиб эсхонангни чиқариб юборган пайтларимни эслатиб, сен билан биргаман. Онажон, дунёга келган пайтимда от қўйгунларича сабри чидамай мени ерда етти марта думалатиб, ҳаяжондан энтикиб: «Ўғлим, менинг ўғлим!» дея осмонга ирғитганингни айтиб берган эдинг. Ўшанда сенинг ўтаканг ёрилгудек бўлиб дадамни қойиган, мени тортиб олиб, меҳр билан бағрингга босганча: «Болажоним!» дея эркалаган экансан. Ўшанда сенга ҳам отамнинг қалбини тўлқинлантирган бахтиёрлик ҳисси таъсир этган бўлса не ажаб. Бу ҳолда бизларни кузатиб турган қўни-қўшнилар яйраб кулишган экан. Айт-чи, она, ўшанда мен бирон гап айтаолмаган бўлсам-да, мунчоқдек кўзларимни чақнатиб, гулбаргидек лабларимни қимирлатиб, қувончингларга шерик эканимни билдиргандирман ва сен бу ҳолдан баттар ийиб, кўксингда қайнаб-тошган меҳр булоғингнинг ҳаётбахш сувига мени қондиргандирсан.

Онажон, яқинда ёзган хатингда: «Ўғлим, эшитдим, худди ёзда қулф уриб очилган рангин гулларга тўсатдан қиров қўнгандек икки чаккангга бевақт оқ тушибди. Бу хабар бамисоли эримас муз бўлиб этимни сескантирган бўлса-да, сен барибир менинг тасаввуримда ҳамон этагимдан ушлаганча ирғишлаб юрган тойчоқсан», деб ёзибсан. Онажон, ярқироқ пешонамга тирикчилик машаққатларининг таранг-тарам чизиқлари тортилди. Сен меҳр билан силайдиган қора сочларимга аллақачон аччиқ қисматимнинг кулранг тўзонлари келиб қўнди. Мени шу топда бир кўрсанг эди. Тасаввурингдаги сабий гўдакнинг пешонасию бошларидаги ўзгаришлари, кўзларидаги ўйчанлик, ҳаракатларидаги салмоқликни кўриб: «Эр йигит мана шундай бўлади», деб юборсанг ажаб эмас.

Ўртамизда жудоликнинг тубсиз жари қазилганидан буён талай сувлар оқиб ўтди. Туғилган кунларимни ғоҳ хушхандон, ғоҳ ғам-андуҳ билан, ғоҳ ҳасрат, ғоҳ қайсарлик билан нишонлаб юрибман. Кўпдан бери ёнимда йўқсан, кўпдан бери ўртамизда айрилиқ дашти ястаниб ётибди, фақат сенинг руҳинг худди куюнчак парвонадек тепамда чирқираб чарх уради. Томирларимда қоним тўнгиб, вужудим совуган пайтларда меҳринг қалбимга илоҳий ҳарорат бахш этади. Қуёш тиккага келиб, олам дошқозонга айланган пайтларда сенинг ғойибона нафасларинг танамни яйратади, дунё менга тангу тор бўлган қора кунларда сенинг кўзларинг иқбол чироғидек йўл кўрсатади. Сен, фақат сенгина қалбим уфқида мени умидлантираётган субҳи содиқсан. Сенинг сеҳрли даминг урилган мана шу муқаддас ҳаво мени фақатгина жисмоний эмас, руҳий ҳалокатдан ҳам асраяпти.

Онажон, менинг туғилган кунимда юртимда қанчадан-қанча эгизаклар дунёга келади. Бу нарса мени яшашга ундаса, сени адойи тамом қилади. Менинг тутқинликдаги азоблардан абгор бўлган таним яхоб сувидан совутилганда сенинг ғам-койиш юкидан эзилган вужудингга афсус-надомат ўтининг учқунлари сачрайди...

Онажон, мунофиқликка тўлиб-тошган дунёдаги ҳамма яхши-ёмон ишларни кўриб-билиб турибман, улардан сен ҳам огоҳ бўлишингни истайман. Имкони бўлса, сендан бир нафас ҳам айро тушишниятим йўқ, афсуски, чархнинг кажрафторлиги олдида ожизу нотавонман. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи ҳамиша ўзимизда бўлавермас экан. Лекин...

Онажон, бир пайтлари этагингга осилиб, орқангдан соядек эргашиб юрган боланг бугун бировларнинг ялоқхўр итига айланишини сира ҳам истамасанг керак, а?!

Эмин УСМОН
тайёрлаган.

• 64 КАТАК СИРИ

СЕРФАЗИЛАТ МАШҒУЛОТ

Шахмат доналарининг қиймати шунчалик аниқ чегаралаб қўйилганки, бу уни математик формаларга келтириш имконини беради. Бу ҳол шахматчини мантиқий хулосалар ёрдамида берилган дастлабки нуқтага кўра маълум натижаларга интилишига чорлайди. «Менинг фикримча, — дейди файласуф ва кибернетик олим, профессор Г. Клаус, — аниқ мантиқий тафаккурни ўстиришда мантиқ дарслигидан фойдалангандан кўра, шахмат (жиддий партияларни назарда тутяпман) билан шуғулланган маъқулроқ».

Маълумки, одам таълимнинг бошқа усулларига қараганда ўйин жараёнида тузукроқ ўрганади. Бизнинг замонамизда ижодий фаолият фақат факт ва ахборотларнинг улкан оқимини қисқа муддатда таҳлилий равишда ишлаб чиқиб, уни «жиловлай олган» кишигагина насиб этади. Изчил давом эттирилган ҳар бир шахмат партияси стратегия ва тактиканинг бирлигидан намунадир. Шахматчи ўйиннинг маълум бир босқичида вазиятни таҳлил қилиш йўли билан стратегик план тузади ва кейинчалик уни зарур тактик воситалар ёрдамида амалга оширади. Унинг таҳлилий қобилияти қанчалик зўр бўлса, плани шунчалик таъсирчан ва натижаси шунчалик кўнгилдагидек бўлади.

Биламизки, шахмат ҳар хил қўшин турларига (рух, фил, от ва бошқаларга) эга бўлган икки армия ўртасидаги курашни акс эттиради. Бинобарин, шахмат асл ижтимоий тўқнашувлар моделига ўхшаб кетади ёки бошқача қилиб айтганда, одамлар ўртасида манфаат ва интилишлар тўқнашуви аспектлари шахматда модел шаклида мужассамланган-дир. Шахмат қандай манфаат ва интилишлар тўқнашувини модел шаклида кўрсатиши масаласи ҳали аниқ эмас.

Албатта, шахмат тахтасидаги қарама-қаршиликлар ўз мазмунига кўра ҳаётий тўқнашувлардан тубдан фарқ қилади. Лекин муҳим жойи шундаки, мумкин бўлган кўплаб юришларнинг бирини танлашдан аввал шахматчи рақибининг барча жавобларини салмоқлаб кўриши лозим. Шахматнинг ҳаёт билан ўхшашлиги худди мана шундадир. Шахмат ўйнаётган кишини олий кибернетика система билан таққосласа бўлади.

Ўргатилаётган кибернетик тизимда модел бўйича кўпгина усулларни олдиндан машқ қилган тақдирдагина аниқ вазиятдаги энг қулай хулосалар чиқариш мумкин. Бу эрмак эмас, балки ўргатилаётган кибернетик тизимлар тараққиёти учун заруратдир. Шундай қилиб, шахматнинг фойдаси яна шундан иборатки, у мавжуд имкониятларни аниқроқ чамалаш йўли билан хулоса чиқаришга ўргатади.

«Маълумки, инсон хаёлоти ўзгармас миқдор эмас, хаёл чегаралари одамнинг машғулотига боғлиқ бўлиб, у кенгайиши ва торайиши мумкин. Шахмат ўйини хаёлни қўзғатиб, ўстиради. Бу ҳам фазилатдир. Шахмат назариясининг чуқур ишлаб чиқилганлиги ва кўпгина шахмат муаммоларининг алгоритмлаштирилганлигига қарамай, шахматда ижодий хаёлот илгаригидек ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бизнинг замонамиз илмий марказларда ишлаётган ёки серунум машина ва бутун-бутун заводларни ҳаракатга келтиришда хизмат қилаётган кишилардан янгиликлар яратиш борасида ижодий хаёлот эга бўлишини талаб этади. Бинобарин, одам ўз қобилиятларини, ижодий имкониятларини ҳал қилишга қаратиши учун алгоритмлаштириш мумкин бўлган ҳамма нарсани машиналар зиммасига юклаш керак. Андерсен, Морфи, Ласкер, Алехин ва Ботвинникнинг юксак усуллари ҳам шубҳасиз инсон фантазиясининг энг юксак чўққиларига мансубдир.

Буниси — вазифа



Шарти: Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади. Жавобларингизни кутамиз.

М. МУҲИДДИНОВ,
Халқаро ҳакам.

МАЪНАВИЯТ

— Ё, Али, золимда уч аломат бор: биринчиси шуки, қўл остидагиларни ранжитади, иккинчиси қўл остидагиларни ҳурматламайди, учинчиси одамлар моли [ҳақи]ни ноҳақ ейди, қўрқмайди.

— Ё, Али хосид, [ҳасадчи]да уч аломат бор: биринчиси сенинг ҳузурингда ҳушомадгўйлик қилади, иккинчиси йўқлигингда ғийбат қилади, учинчиси агар бирор кишига мусибат ё бирор ғам етса шодланади.

— Ё, Али, оқилда уч аломат бор: биринчиси шуки бойликка ружу қилмайди, иккинчиси жафо кўрса чидайди, учинчиси қийинчиликда сабрли бўлади.

— Ё, Али, хушбахтда уч аломат бор: ҳалол луқма ейди, илм аҳли билан ҳамсуҳбат бўлади, беш вақт намозни ўз вақтида ўқийди.

— Ё, Али, бадбахтда уч аломат бор: ҳаром луқма ейди, дониш мандлар суҳбатидан қочади, намозни ёлғиз ва бевақт ўқийди.

[«Васиятнома»дан].

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● Ўрта бўйли эркак киши ҳар соатда 600 мингга яқин тери бўлакчаларини йўқотаркан. Йил давомида эса бу рақам 672 граммни ташкил этади. 70 ёшни қоралаётганда тери камайиши 48 килограммга, яъни инсон бутун вазнининг 70 фоизига етар экан.

● Ҳар куни одамнинг 45 та сочи тўкилиб туради. Баъзан эса бу 60 тага етади. Ҳаммаси бўлиб, одам бошида 125 миллионга яқин соч толаси бор. Умр бўйи 15 миллиондан зиёд соч тўкилиши мумкин.

● Одам мияси 10 миллиард асаб катакчаларидан ташкил топган экан. Ҳар куни 86 миллион турли ахборотларни эсда сақлаб қолиш қобилиятига эга. Умр бўйи одам хотираси 100 триллионга яқин турли ахборотларни ёдлаб қолиши мумкин.

● Қизил қон таначалари ўз умри давомида (тўрт ойга яқин) инсон организмида 1600 километрга яқин масофани босиб ўтади.

● Одамзод умр бўйи 40 тоннага яқин овқат истеъмол қилса, 499 минг куб ярд (1 куб ярд — 0,76 куб метр) ҳаводан нафас олар экан.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-31-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 9.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.